

ТЕМУРБЕК ПОЁНОВ,  
ПОЁН РАВШАНОВ

## НАХШАБ ҚИССАСИ

---

Назм ва наср

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2004

Бани одам учун ҳаёт уч даврада амал  
Унинг бошдан кечирилган қисми-кеча, фаол давр  
бутун, келажак бўлаги-эрта деб тақриб этилади. Бу  
сарҳадларни айро тасаввур қилиб бўлмайди. Коинотга,  
жумладан, очунга хос яхлитлик ҳамиша ҳайрат бои-  
си бўлиб келади, мусаннифлар илҳомини тоширади.


Шу жиҳатдан, бобо билан набира, нисбатан  
тажрибали ва бошловчи ижодкорларнинг қўлингиз-  
даги тўплами кечмиш, ҳозир ва истиқбол ҳақида  
бадий-фалсафий мушоҳада юритиши билан  
эътиборга моликдир.

**Муҳаррир:**

**Темирпўлат Тиллаев**

НО 30746 Қарши Давлат университети  
291 «Насаф ва Кеш» илмий - адабий  
маркази

Р 4702620201 - 258 258 - 2004 © Т.Поёнов 2004 й  
376(07)2004  
ISBN 5-7323-0505 П. Равшанов





**ТЕМУРБЕК ПОЁНОВ**

**ЯХШИЛИКНИНГ  
ҚАЙТИШИ**

**ДОВЮРАК ЖЕК ПАН**  
(таассурот)

Сизларчи, болалар, жасур Петр ҳақидаги фильмни кўргансиз. Мен унинг давоми шундай бўлишини хоҳлардим:

Капитан Хукни тимсоҳ ютди, лекин у тимсоҳнинг ичида ҳам тирик қолди. У чап қўлидаги найзаси билан тимсоҳни доғда қолдирди. У яна ёвуз ниятини бошламоқчи. Одамлар уни кўриб жуда ҳайрон бўлишди. Улардан бири: «Хук, бу сенмисан», деди. «Ҳа! Ҳа! Бу менман», деди у. Хук, уларга «сизлар, шу ерда туринглар. Мен тезда Петрнинг калласини олиб келман», деди. Хук уни қидира бошлабди. Хук Петрнинг қаерда туришини билмасди.

Петр Паннинг ўгли Жек ундан ўзи билган барча нарсаларни ўргатишни сўрабди. Петр унга «майли» дебди ва унга учишни ўргата бошлабди. Петр Жекка «орзуйингни айт, учасан», дебди, Жек орзусини айтиши билан уча бошлабди. Шундай қилиб, Петр Жекка қиличбозлик ва яна бошқа антиқа нарсаларни ўргатибди.

Хукка келсак, у сарсон-саргардон бўлиб Петрнинг уйини зўрга топибди. Ва у уйга деразадан кирибди. У кеч бўлишини кутибди. Кеч бўлиши билан ётоқхонага кирса, бирдан 5-6 та китоб жавондан тушиб, Жек шовқундан уйғониб кетибди. Орқасига қараса, Хук турган эмиш. Хук кулиб болага қарабди. «Сен болакай қўлга тушдингми-а, мен Петрнинг калласини олгани келгандим. Биринчи сенинг бошингни оламан» дебди.

Жек, «яна қутилиб қолибсанда, ярамас, қўлингдан келса, ол» деди ва жовоңдан қиличини олиб Хук билан кураша бошлади. Хук чаққонлик қилиб Жекнинг бўғзига қилич тикмоқчи эди, Жек «ҳар доим мен голиб», деб ўзига ишониб жанг қидди ва Хукнинг ўнг қўлини кесиб ташлади. Хук аламидан юртига кетди. Шу билан унинг на кемаси ва на одамлари, ҳатто, ўзи ҳам кўрин-мади. Жек ёнида ётган қўлни эса дарёга отиб юборди. Жек ҳеч кимга билдирмай, секингина жойига бориб ётди. Жек энди ҳақиқий Жек Пан бўлган, улғайган эди.



## НАВРЎЗ

(Воқеий ҳикоя)

Бугун 21 март-Наврўз. Ҳамма жойда баҳор байрамига зўр тайёргарлик бўлганидек, бизнинг шаҳримизда ҳам уни кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилди. Каттадан—кичик Наврўзга тайёргарлик кўришмоқда. Элимиз Наврўзининг энг катта тантанаси Отчопар майдонида ўтади. Байрам тонг сахардан бошланиб кетди. Наврўзни нишонлашга меҳмонлар келдилар. Байрамга болалар ҳам ташриф буюришди. Келинг, шу ўринда бир ҳикояни бошлайлик. Наврўз кунини Жавоҳир деган бола бир дўсти билан жанжаллашиб қолибди. У Абду-самадни жуда қаттиқ хафа қилибди. Жавоҳирнинг ойиси ва дадаси ҳам Наврўз тантанасига боришди, лекин Жавоҳир бормади. У бўлиб ўтган ишдан пушаймон эди, ҳамма қувониб, байрамга чиққанида шумшайиб уйда ўтирса-я?! Айб, аслида, иккаласидан ҳам ўтганди. Жавоҳир уйда ўйлаб ўтирганида, шу пайт дўсти Темур келиб қолди. Темурнинг бу жанжалдан хабари бор эди. Темур Жавоҳирни шу аҳволда кўриб жуда ачинди. Темур Жавоҳирни ариқ бўйига бошлаб

борди. Ва шу ерда ўтириб туришини сўради. Жавоҳир рози бўлди. Темур эса Абдусамадни уйдан олиб уни ҳам ариқ бўйига бошлаб келди. Жавоҳир орқасига қараши билан аразлашган дўсти Абдусамадни кўрди. Иккиси ҳам жуда ҳайрон бўлишди. Шунда Темур уларга бугун «Наврўз» байрами, уришганлар ярашадилар, деб уларни бир-бири билан кўриштирди. Жавоҳир ва Абдусамад энди бир-бирлари билан уришмайдилар. Байрамда ярашганлар қайтиб ҳеч қачон хафалашмас экан.



## ЯХШИЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ

Бир куни мактабимизда шанбалик бўлди. Ўқитувчимиз Муҳаббат опа жамоа бўлиб ишлаш ҳақида гапириб, унинг яхши анъана эканлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Биз болалар уй-уйимизга тарқалиб, овқатланиб келиб мактабимизнинг ҳовлисини, спорт майдончамизни тозалашга киришдик. Мен билан Самад иккимизга қийинроқ иш тушди. Бошқа болалар вазифаси осон туюларди. Улар юмушни битириб, тезда кетдилар. Биз охирда қолдик. Қийналсак ҳам берилган ишни тугатишимиз керак эди. Дўстим Шоҳмалик ҳам кетди. У уйга борганда момаси уни қойибдилар. Сен Темурни ташлаб келибсан, холбуки унга ёрдам беришинг керак эди, дебдилар. Бир пастдан сўнг қарасам, Шоҳмалик қайтиб келди. У астойдил бизга ёрдам берди. Ишни уччаламиз тезда уддалаб қўйдик. Кўнглимда Шоҳмаликнинг шу яхшилигини бир куни албатта қайтараман, деб ўйлаб қўйдим. Буни қарангки, орадан анча вақт ўтиб мактабимизда яна хашар бўлди. Мен яна дўстим Самад билан бирга хазонни тозалашга киришдик. Синф раҳбаримиз хонасига кетди, болаларнинг ҳар қайсиси ўз иши билан машғул эди. Бу сафар биз ҳаммадан олдин ишни битирдик. Шоҳмаликнинг менга ва дўстимга қилган ёрдамини унутганимиз йўқ

эди. Самад иккаламиз дарҳол унга ёрдамга бордик. Унинг ҳам ишини тезда битирдик. Биз бу ишимиздан хурсанд эдик. Муаллимамиз ҳам дўстларнинг бир-бирини қўллашидан севинди, уччаламизни ҳам мақтади. Биз бундан гуруландик.



## ТЎҒРИ ЙЎЛ

Бир куни мен ва Шоҳмаликни бобомлар янада яхши ўқишимиз учун университетнинг «Тил ўрганиш марказига» олиб боришларини айтдилар. Бизлар бундан роса сеvindик. Китоб дўконига бориб инглиз тили дарслигини сотиб олдик. Шоҳмалик иккаламиз уйимиздан унча узоқ бўлмаган тил ўрганиш масканига боришни, у ерда таҳсил олишни жуда хоҳлардик. Эртасига барвақт бобом билан ўша ерга бордик. Тил ўрганиш маркази директори Абдуҳаким ака бизни яхши қарши олдилар. Тил ўрганиш, хорижий тилларни билиш аҳамияти ва қийинчиликлари ҳақида гапириб бердилар. Сўнг, «кўраяпман, сизлар мактабда ҳам аълочи экансизлар, бизда ҳам яхши таҳсил оласизлар» деди. Бизлар инглиз тилини астойдил ўргана бошладик. Тўрт-беш ой ичида кўп нарсалар ўргандик. Уйда Шоҳмалик билан инглиз тилида гаплаша бошладик. Бобом биздан хурсанд бўлдилар. Кейин билсам бобом бизларни тўғри йўлга бошлаган эканлар.



## ЙЎҚОЛГАН ПУЛ

Баҳор келиб, мактаб ҳам охирлаб қолди. 25-май куни эди. Шу кун мактабимизда байрам ташкил этилди. Яхши ўқийдиган ўқувчиларга фахрий ёрликлар, мукофотлар топширилди. Тантана давоми шаҳар боғида

бўлаётган эди. Мен акам Комрон билан боққа борадиган бўлдим. Лекин, шу орада юз берган бир воқеани ҳеч эсимдан чиқармайман. Боғни айланиб, сайр қилиб юрганимизда дўстим Жамшиднинг 500 сўм пули йўлда тушиб қолгани маълум бўлди. У жуда хафа бўлди. Бизлар-унинг синфдошлари, дўслари нима қиламиз, деб маслаҳатлашдик. Акам Комрон бизлар гаплашаётганда Жамшидни нарироқда гапга тутиб турди. Синфдошлар келишиб, дўстимизга 100 сўмдан пул йиғиб берадиган бўлдик. Жамшид, пулни олмайман деса-да, қўймасдан бердик. У шу пулга укаларига рангли суратчалар олди. Бу ишимиздан Жамшид ҳам, биз ҳам севиңдик.



## ОҚКЎНГИЛ ШОҲ

Бир бор экан бир йўқ экан. Қадим-қадим замонда Машриқ деган томонда бир шоҳ ўтган экан. У жуда оқкўнғил экан. Унинг бойликлари осмонча, буғдойлари тоғча экан. Лекин унинг кўнғлида бир ғамгинлик бор экан. У ҳам бўлса, унинг ўғли йўқ экан. Вазир унга шундай маслаҳат берибди: «Подшоҳим Чашмий деган шаҳарда сеҳрли олма бор. Уни девнинг болалари қўриқлайди. Ким шунга олиб келса бўйи баравар тилла бераман денг», дебди. Шундай қилиб жарчилар жар солибди. Улар кимки подшоҳимизга сеҳрли олмани олиб келса бўйи баравар тилла берадилар», дебдилар. Бунга эшитиб саройга Олмос ботир келибди. У «мен шу сеҳрли олмани олиб келаман, менга қилич ва от беринглар. Агар мен 10 кунда келмасам, мени ўлди денглар», дебди. Шундай қилиб у йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ва бир саҳрога етиб келибди. Кеч тушибди, узоқдан бир чироқ кўринибди. У чироқ ёниб турган жойга етиб келибди. Уйга кирса бир кампир бор экан. «Ассалому алайкум», дебди

Олмос ботир. «Ваалайкум ассалом, болам кел»-дебди кампир. Сўнг, мулойимлик билан «нега бу томонга келдинг», деб сўрабди. «Мен бу томонга сеҳрли олмани излаб келдим», дебди ботир. Кампир унга «болам, сени эртага Чашмий деган томонга олиб бориб қўйишади», дебди. Шу пайт кампирнинг болалари- девлар овдан қайтиб келишибди ва «она бу ердан одам иси келаяптими», деб сўрашибди. «Ҳа болам,-дебди кампир,- одам боласи биздан ёрдам сўраяпти. Сизлар уни эртага Чашмий шаҳрига олиб борасизлар».

Эрталаб девлар уни айтилган жойга олиб боришибди. Олмос ботир сеҳрли олма дарахтининг олдига бориб, тезлик билан олмадан бир дона узибди. Шу пайт осмондан бир даҳшатли махлуқ тушиб келибди. У Олмос ботир билан уч кун олишибди ва, ниҳоят, махлуқ қолдан тойиб йиқилибди. Олмос ботир унинг қорнига қилич уриб ўлдирибди. Буни кўрган девлар эса қочиб кетишибди. Олмос ботир юртига қайтибди, уни подшоҳ ва сарой аёнлари қарши олишибди. Олмани еган малика куни етиб, ўгилли бўлибди. Унинг исмини Ботирбек деб қўйибдилар. Ботирбек соат сайин ўсиб, вояга етибди, 20 ёшида отаси уни тахтта ўтқазибди. Олмос ботир эса унга устоз бўлиб қолибди. Подшоҳ оқкўнгил бўлганлиги сабабли бахтли бўлибди, шу боис ҳамма мурод-мақсадига етибди, бошқалар ҳам бахтли бўлишибди. Оқкўнгилликда ҳикмат кўп экан, болалар!



## ПОДШО ВА ГУЛ

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда Турон деган мамлакатда Бухорхудот деган шоҳ ўтган экан. У оғир касал бўлиб қолибди. Уни ҳеч ким даволай олмабди. Жарчилар подшоҳнинг мамлакатада «подшоҳимизни ким даволаса, уни катта мукофот кутади», деб жар солишибди. Буни эшитиб шоҳ саройига Рустам



деган полвон келибди. Подшо хурсанд бўлибди. У Рустамга йўлга етарлик овқат, қилич ҳамда от берибди. У Самарқандга борибди. Бу шаҳарда донишманд чол яшаркан. Рустам полвон уни излаб топибди-да, унга бор гапни айтиб берибди. Донишмандга полвоннинг мардлиги, жасурлиги ёқибди. Подшоҳнинг касалига фалон жойда ўсадиган бахт гули даво бўлади, дебди у. Сўнг эса Рустам полвонга бахт гулини қандай қўлга киритишни ўргатибди. Чол, «бахт гулини бир дев қўриқлайди», дебди. Эрталаб Рустам девлар маконига етиб борибди. У девларнинг отаси билан икки кечаю икки кундуз олишибди. Охири девни ўлдирибди. Девнинг болалари бошқа жойларга қочиб кетибди. Рустам бахт гулини олиб қайтибди. Подшоҳ бахт гулини ҳидлаб соғайибди ва Рустам полвонни мукофотлабди. Барчалари ҳам мурод мақсадларига етибдилар.



## АЙИҚЧА ВА ТУЛКИ

Бир куни бир айиқча балиқ овига борибди. Бу жойда балиқлар кўп экан. У кўп балиқ тутибди. Буни кўрган тулки, айиқчага хиралик қилиб, сенга сувдаги балиқлар етади, менга челақдаги балиқлардан бер, дея тегажоғлик қилибди. У челақдаги балиқларни айиқчанинг кўзини шамғалат қилиб олиб кетибди. Айиқча эса арслонга бўлган воқеани айтиб берибди. Бошқа куни айиқча балиқ тутаетганда, яна тулки келибди. Уни пойлаб турган арслон тулкини сувга ташлаб юборибди. Айиқча арслондан миннатдор бўлибди. Тулки эса таъзирини еб, бошқалар нарчасига кўз олайтириш оқибати ёмон бўлишини тушунибди.



## ДЎСТААР

Бир бор экан, бир йўқ экан. Ўрмонда бир меҳнат-каш типратикан бўлган экан. У бир куни тарвуз экибди. Вақт етиб тарвуз қутилганидан ҳам мўл ҳосил берибди. Бир куни типратикан пайкалдаги тарвузларни оралаб юрган экан, олдига тошбақа келибди. Тошбақа, «Типратикан, дўстим, менинг ҳам тарвуз егим келди, берсанг девдим», дебди. Шунда типратикан унга тарвуз кесиб берибди. Уларнинг опоқ-чопоқлигини кўриб турган бўрининг гайирлиги келиб, типратикандан тарвузни тортиб олибди-да, отиб юборибди. Типратиканнинг аччиги келиб унга найзасини суқибди. Бўрининг ҳамма жойи чақа бўлибди. Бўри оғриқ зўридан қочиб кетибди. Қуёнча ҳам типратикан ва тошбақа билан дўст бўлибди. Уларнинг топганлари ўртада экан. Дўстлар бир - бирига ҳар доим ҳам ёрдам бериб турар экан. Болалар, кўрдингизми сизлар ҳам ана шундай аҳил бўлинг!



## КЕНЖА ЎГИЛ

Қадим замонда Самарқанд шаҳрида бир шоҳ ўтган экан. Унинг уч ўғли бўлиб улар жуда паҳлавон экан. Шоҳ ўғилларини ёнига чақириб дебди: ўғилларим, мен қаридим, энди менинг ўрнимга бирингиз подшоҳ бўласиз. Мен сизларга икки шарт қўяман. Биринчи шартим қиличбозлик, иккинчиси эса камондан ўқ узиш, дебди. Жарчилар жар солиб: Одамлару-одамлар, эшитмадим деманглар, подшоҳимизнинг уч ўғиллари тахтга чиқмоқ учун бир-бири билан куч синашмоқчи, дебдилар. Одамлар йиғилишибди, биринчи ўғил иккинчи ўғил билан қиличбозлик жангига киришибди. Бунда биринчи ўғил голиб бўлибди. Навбат учинчи ўғилга етибди. У жуда абжир, мард экан. Кенжа ўғил акасини қиличбозликда мағлуб қилибди. Ҳамма кенжа ўғилни мақтабди. Кейин иккинчи шартни бажариш бошланибди. Жарчилар яна

жар солиб, кимки подшоҳимизни узугидан ўқни ўтказ-са, подшоҳлик уники бўлади дебдилар. Биринчи ўғил ўқ отибди, ўқ узук яқинидан ўтиб кетибди. Иккинчи ўғилники ҳам узук кўзидан ўтмабди. Учинчи ўғил ипак ипга осиб қўйилган узукни нишонга олиб отган экан, ўқ узукдан ўтибди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолибди. Подшоҳ ҳам ҳайратда экан. Подшоҳ қиличбозликда чапдаст, моҳир мерган кенжа ўғлига тахтини топширибди. Кенжа ўғил мамалакатни адолат билан бошқарибди, доимо ночорларга ёрдам берар экан. Одамлар кенжа ўғилдан рози бўлибдилар. Мамлакатда осойишталик ҳукм сурибди. Ҳамма мурод мақсадига етибди.



## СОДИҚ ДЎСТ

Бор экану йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Қадим замонда ўзимиз яшаётган томонда бир қуён бўлган экан. Бир куни қуённинг ёнига уйсиз қолган олмахон келиб қолибди. Совуқда дилдираб турган Олмаҳонга уйининг тўридан жой берибди. Кетаман, деса қўймабди, улар қалин дўст бўлишибди. Улар иноқ бўлиб яшашибди. Орадан ойлар ўтибди. Бечора Олмаҳон касалланибди, у ўрмонни согинган экан-да. Бир куни аҳволи оғирлашибди-да, олмахон ёрут оламини тарк қилибди. Дўсти унга келтирган гиёҳлар, доривор мевалар сира қор қилмабди. Қуён жуда хафа бўлиб йиглабди. Қуён дўстига жуда боғланиб қолган экан, у ҳам ёлғизликни кўтара олмабди. Содик дўстлар шундай бўлар экан.



## МЕҲНАТКАШ ҚИЗ

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим-қадим замонда бир камбағал чолнинг уч қизи бўлган экан. Чолнинг хотини ўлибди. Чол ночорликдан ўксинар экан. Бир куни у ўзининг боғига кирибди. У бир дарахтнинг тагида нима қилишини билмай, хафа бўлиб ўтирганида, кўз олдида бир нуроний кампир пайдо бўлибди ва «тила тилагингни, мен сенга истаган нарсангни берман» дебди. «Менга олтин танга керак»,-дебди чол. «Хўп, бўлмаса, мен сенга айтганинг олтинни берман, эвазига сен менга уч қизингдан бирини берасан», дебди кампир. Ноилож қолган чол, рози бўлибди. Чол уйга келибди ва бор гапни қизларига айтиб берибди. Улар нуроний кампирга қайси бирлари ёқишини ўйлаб қолишибди.

Кампир хузурига аввал тўнғич қизини юборишибди. Лекин кўп ўтмай қиз қайтиб келибди. Чунки, у дангаса экан. Чол иккинчи қизини жўнатибди. У ҳам кўп ўтмай қайтиб келибди. Чол, ниҳоят, кенжа қизини юборибди. Кунлар ўтибди, лекин кенжа қиз қайтмабди, чунки, у меҳнаткаш эди. Кампир олиб қолган қиз яхши яшаб, яхши ишлабди. Кампир унга онадек меҳрибон экан. Бир куни кенжа қиз уйини қумсабди. Унинг бу ерга келганига 3 йил тўлган эди. Кампир унга очик кўнгиллик билан рухсат берибди ва совға—саломлар улашибди. Уни отаси ва опалари интизорлик билан кутишаётган эди. Қизи эсон-омон, катта бойлик билан қайтганидан отанинг севинчи ичига сигмас эди. Улар соғ-омон, тўкин яшай бошлабдилар. Шу билан барчаси, жумладан, кенжа қиз ҳам мурод—мақсадига етибди. Меҳнаткаш ва одобли бўлиш хосияти шундай бўлар экан.



## ҚИЗҒАНЧИҚ

Бир куни Умиднинг дўстлари уникага келишди. Уларни Умиднинг ўзи таклиф қилган эди. Уларни уйига олиб кирди ва ўйинчоқларни кўз-кўз қилиб кўрсата бошлади. Дўстлари ўйнай деса, «бузасанлар», деб ўйнашга бермади. Беҳосдан бирорта самолётчагами, машинагами қўл чўзишса, унинг жаҳди чиқиб, уришиб берар эди. Ҳатто, яқин дўсти Беҳрузни уйдан чиқариб юборибди. Аҳмад, Шокир деган дўстлари ҳам бундан хафа бўлиб, Беҳрузнинг изидан кетишади. Улар «биз бундай қизғанчиқ билан ўйнамаймиз», дейишибди. Умиднинг дўстлари унинг уйига қайтиб қадам кўйишмабди.

Беҳрузнинг ойиси унга ҳам чиройли ўйинчоқлар олиб берганди. Умид қилган ишидан жуда пушаймон эди. Бир куни у Беҳрузникига борди, болалар уч-тўртта бўлиб Беҳрузнинг янги ўйинчоқларини ўйнаб ўтиришарди. Шокир эшик олдида ҳижолат бўлиб турган Умидга «ҳа қизғанчиқ, нега келдинг» деди. Умид уялиб йиглаб юборди ва «болалар мени кечиринглар, бошқа бундай қизғанчиқлик қилмайман» деди.

У шундай деди-да, «болалар, мен ҳозир»—деб югуриб бориб ўйинчоқларини олиб келди. Дўстлари уни кечиринган эди. Улар бундан кейин доим бирга ўйнашди. Умид энди ҳеч қачон қизғанчиқлик қилмайди. Ҳарқанча чиройли бўлмасин, ўйинчоқлардан дўстлари устун туришини у тушуниб етган эди.



## БЎРИ БИЛАН ТИПРАТИКОН

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим-қадим замонда бир қуёнча бўлган экан. У бир куни ўрмон четида кетаётса олдидан бўри чиқиб қолибди. Бўри қуёнга «мен билан дўст бўлмайсанми», дебди. Қуёнча бўлса, «менга ўйлаб кўришга вақт бергин», дебди. Бўри, «майли, эрта-

лабгача вақт бераман, ўйлаб кўр бўлмаса, ёмон бўлади», дебди. Қуён рози бўлибди. Қуён ўйлаб, «бўри билан дўст бўлиш оқибати маълум, нима қилсам экан, у нимадан кўрқаркин», деб бош қотирибди. Ўйлаб-ўйлаб у, «ахир, бўри типратикандан кўрқадику», деб хурсанд бўлибди. Эрталаб у типратикан билан бўрининг ёнига борибди. Бўри найзасини тик қилиб олган типратиканни кўриб, қочиб кетибди. Қуён дўсти типратиканга раҳмат айтиб, уйига қайтибди. Қуёнча узоқ вақт тинч яшабди. Болалар, нега бўри қуён билан дўст бўлмоқчи эди?



## ШАҲЗОДА ВА МАЛИКА

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим-қадим замонда бир чолнинг ёлғиз бир қизи бўлган экан. У жуда гўзал бўлиб уни кўрган одам эс-хушидан айрилар экан. Бир куни подшоҳнинг ўғли ов қилиб юриб, чанқабди-да шу яқин-атрофда яшайдиган чолнинг капасига борибди. Чолнинг қизи унга коса тўла сув узатибди. Шаҳзода уни яхши кўриб қолибди. Шаҳзода отасидан камбағал чолнинг қизини олиб беришни сўрабди. Подшоҳ ўзининг хос кишиларига «қизнинг одобини билиб келинглар», деб тайин қилибди. Шоҳнинг мулозимлари чолнинг уйига бориб, унинг қизи хулқи хуш, ақлли эканлигини билиб, кўрганларини айтиб келишибди. Подшоҳ ақлли экан, мулозимларига «майли, агар ўғлим уни хоҳлаган бўлса, мен розиман», дебди. Чол ҳамда унинг одобли сулув қизи тўйга рози бўлибди. Подшоҳ қирқ кеча-ю, қирқ кундуз элга ош берибди. Улар жуда бахтли ҳаёт кечиришибди. Камбағал чолнинг қизи ўзининг ҳусни ва ақли туфайли севимли малика бўлиб қолибди. Ким яхши шиятли бўлса, ҳаммаси мурод-мақсадига етибди.



## ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ёзги таътилни мароқли бошладим. Қишлоққа боришни кўпдан дилга тукканман. Акам Комрон ҳам мен билан кетмоқчи бўлди. Биз сафарга шай бўлиб турганимизда Зафар амаким келиб иккимизни уйлари-га олиб кетдилар. Бизлар мевалар учун шиша идишларни олиб чиқадиган бўлдик. Мен, Комрон ва амаким идишларни олиб чиқдик. Уйда 10 та идиш қолганди. Комрон ва амаким уларни олиб чиққани кетдилар. Мен машина юкхонасига идишларни жойлаштириб бўлсам, жин ўргир машина эшиклари ёпилиб қолди, чунки машинанинг товушли қўриқчиси бор эди. Ичкаридан қичқириб, «амаки машинани очинг, эшиклари ёпилиб қолди», дедим. Шу пайт амаким ва Комрон уйдан чиқиб келди. Улар менга қараб кулишди ва эшикларни очишди. Идишларни бизнинг уйга олиб бордик. Шу юмушни бажариб қишлоққа йўл олдик. Зоҳид амаким-никига бориб, дарров чўмилгимиз келиб қолди. Амакимнинг уйига ариқ яқин. Маза қилиб чўмилдик-да, сўнг Баҳор момоннинг олдига кириб, саломлашиб чиқдик. Момонлар Комрон иккимизни дуо қилдилар. Хуллас, қишлоқ ҳаётига мослаша бошладик. Эрталаб Зоҳид амакимнинг қўрасидаги молларни чўпонга қўшиб юбордик. Кейин ювуниб, чой ичдиқда, Баҳодир амакимникига кетдик. Баҳодир амаким ҳам шу қишлоқда турадилар. Биз амакимнинг ўғли Рустам билан от минишни ўргандик. Шу пайт Баҳодир амаким даштдан бугдой олиб келдилар. Биз дарҳол тележкадан бугдойни туширишга ёрдамлашдик.

Зоҳид амаким даштга, галла ўримига кетдилар. Комрон билан Лола янгамга ўтин келтириб бердиқда, ўзимиз Равшанбекни ўйнатдик. Сўнг янгам Равшанбекни ухлатдилар. Мен ва Комрон мультик кўрдик. Лола янгам бизга овқат қилиб бердилар. Равшанбек уйғонди ва йиғлай бошлади. Равшанбек бир ёшда, шундай бўлса ҳам ўзи юра олади. Мен кирсам йиғлаётган бола менга қараб кула бошлади. Мен уни ухлатишнинг йўлини топдим ва унга ўша ерда турган сутни

бердим, у сутни ичиб сўргичини отиб юборди. Мен бешик ёлгичини ёпдимда, уни тебратиб ухлатдим. Комрон менга қараб «нима, Равшанбекни ухлатдингми» деди. Мен, «албатта, албатта», дедим. Комрон менга қараб кулди. Равшанбек яна йиглай бошлади, мен Комронга, «уйғатдингми, энди ўзинг Равшанбекка қарайсан», дедим. Комрон бешикни анча тебратиб уни ухлатди.

Қишлоқда иш қайнаган. Шаҳарда яшайдиган биз болаларга далани кўриш бир ҳавас эди. Одамлар бугдойни ўра бошлаган. Биз бир куни яна Боҳодир амакимникига бордик ва Рустам билан даштга кетдик. У ерда одамлар кўп экан. Наим бобога ёрдам бердик. У кишининг пайкалида қовун, тарвуз энди пишаётган экан. У киши, «э, э, шаҳарлик набиралар келибдику», деб бизни қовун кесиб меҳмон қилдилар. Эртасига туриб яна даштга кетдик. Иссиқ зўр бўлди ва ўзимизни ариққа урдик.

Биз қишлоқда ўн кун турдик, охириги кун яна момомнинг олдига кирдик. Момомга, бутун кетмоқчилигимизни айтдик. Момом, «ким билан кетасизлар», дедилар. Мен Поён бувамнинг «Умид уммони» деган китобларидан «Дўстберди қиссаси»ни момомга ўқиб бераётган эдим, шаҳардан дадамнинг жиянлари Наврўз ака келиб қолди. Китоб ўқишни тугатиб, момом билан хайрлашдик. Наврўз ака бизни Қаршига олиб кетди.

Қишлоқ ҳаёти шундай. У ерда одамлар тиним билмайди, жазирама демай, офтобда қорайиб ишлайверадилар. Шу сабабли бўлса керак, ҳаммасининг меҳри иссиқ, багирлари кенг.





ПОЁН РАВШАНОВ

ТОЛИҚҚАН НИДОЛАР

ТЎРТЛИКЛАР



Аёл муҳаббатин қадрига етгил,  
Севар бўлса агар, севади буткул.  
Нафис бир вужудда вулқоннинг кучи,  
Вафода талъатин мусаллам тутқил.

\* \* \*

Айрилиқлар бўлди, кўникдим қийин,  
Дўстим, сен ҳам кетдинг, эҳ, нима дейин.  
Ёлвориб қайтариш—ғурурга ўлим,  
Севмаган маҳбубга очолмам кўйин.

\* \* \*

Айтинг, орзуларни бўларми чеклаб,  
Умид қилгувчилар топилар кўплаб.  
Яхши ният қанот бўлғайдир шоён,  
Мақсадга етади боргувчи эплаб.

\* \* \*

Аллоҳга кўз тутган бондаман, билинг,  
Шукрки, бир одамча сондаман, билинг.  
Таваккул Ҳаққагур, ниятим равон,  
Истанг, топқайсиз, шу ёндаман, билинг.

\* \* \*

Аллоҳим паноҳи—ишонч ягона,  
Ёди эрур мудом дилда дурдона.  
Дўст-душманга ўзи этмасин муҳтож,  
Замон шуқи, ҳатто, яқин бегона.

Аллоҳга шукримни айтмайин нетгум,  
Бир кун даргоҳига қайтмайин нетгум.  
Бандаси саноқсиз, менку ёмони,  
Истиғфор чоҳида ётмайин нетгум.

\* \* \*

Аллоҳга шукронам кандамас, дўстлар,  
Эгасин унутган сондамас, дўстлар.  
Таниганни танир, қўлайдир ҳаргиз,  
Ҳозир-нозир, деманг, ёндамас, дўстлар.

\* \* \*

Аллоҳим, шукронам туганмас, битмас,  
Қудратингга, Эгам, ҳеч нарса етмас.  
Мен расво бандангман, кўтардинг қаддим,  
Тилимдан ҳамд-сано, тирикман, кетмас.

\* \* \*

Аллоҳим қадларни дуто қилмасин,  
Илонга оёҳни ато қилмасин.  
Кичиклар адашса йўриғи бўлак,  
Тузалмас, катталар хато қилмасин.

\* \* \*

Аллоҳ марҳамати, ризқу рўз ёмғир,  
Фалла-ю мевалар тўкин куз, ёмғир.  
Элим насибасин бутун қил, Эгам,  
Томчиси гурдона, ошу туз, ёмғир.

\* \* \*

Аллоҳ хазар қилар разил нокасдан,  
Хулоса шундайдир англаб пайхосдан.  
Йўқса, йиғиб барин гўрга тиқарди,  
Ўртамасин учун элни нохосдан.

\* \* \*

Амалга чиққанлар шамолдек ўтди,  
Кўплари манфаат йўлини тутди.  
Лавозим имконин бойимоқ билди—  
Икки йил йиққани авлодга етди.

Амалдан айрилса, куйлар, чатоқ,  
Кетса бойлик, кўзни ўярлар, чатоқ.  
Ота-она ўлар, дийдалар қотиб,  
Унутарлар ҳамда кўнарлар, чатоқ.

\* \* \*

Амалдор лафзида ҳеч бир турум йўқ,  
Фуқора истайди, аммо, кўрим йўқ.  
Менга-чи, барибир, ҳафсалам пирдир,  
Ҳақдин қолмай, унга зорим, зўрим йўқ.

\* \* \*

Амалдорсан, сен ҳам ичгансан хом сун,  
Гапга учдинг, кетди ишдан ривож, кут.  
Ёнингга эгилиб турганлар бугун,  
Тескари бурилиб, қилдилар унут.

\* \* \*

Амални қувганлар етмаган хануз,  
Муяссар бўлмайсан қанча режа туз.  
Насиби Аллоҳни унутган ногон,  
Асқатмас бойлигинг, умидингни уз.

\* \* \*

Амалнинг кўйида истарсан мадаг,  
Қўларинг кўксингда, эгилган қомат.  
Мен ўзим муҳтожман ёрдамга, билсанг,  
Паноҳни тополмай дилимда фарёд.

\* \* \*

Амал қозонида қайнаб, пишидинг,  
Бошда талвасалар қилдинг, гингшидинг.  
Тўғри сўз демишлар ёқмади, қачон,  
Пешонанг тегди-ю ерга, тушундинг.

\* \* \*

Амал ҳам, унвон ҳам сотилар бутун,  
Ҳақиқат шикаста, қомати нигун.  
Таъманинг гирдоби келодур жўшиб,  
Диёнат озурда, кўнглида тугун.

\* \* \*

Аҳли одам беш қитъага бўлинар,  
Сони миллиардлаб чама қилинар.  
Ранглари ҳар хилу турфа тиллари,  
Томири бирлиги, аммо, билинар.



Бадавлат сахийдур, ҳавасга лойиқ,  
Ҳурматга сазовар билимга содиқ,  
Расул ҳам ёқламиш булар иккисин.  
Илму бойлик элга бўлсин тасаддуқ.

\* \* \*

Байрам ҳам қиларсан, «фалон кетди», деб,  
Қувонарсан, «ундан даврон ўтди», деб.  
Эртага устингдан кулар бошқалар,  
«Анови дафъ бўлди, армон битди», деб.

\* \* \*

Бандалар бўлгандир авлиё, фозил,  
Шоҳлар қилолмаган улар-ла ҳазил.  
Ҳақ йўлини демиш, тутмиш мусаллам,  
Эътибордан асло бўлмайдир маъзул.

\* \* \*

Бардон тўла бугдойинг бўлсин,  
Ёғ, асалдан хурмолар тўлсин,  
Тўкинликни тилагил Ҳақдин,  
Аллоҳ деган иқболи кулсин.

\* \* \*

Бахтин барбод этгувчи ногон,  
Сабр этагин тутгувчи шогон.  
Кибру ҳаво охири пушмон,  
Тамкин гули мудом ободон.

\* \* \*

*Бахтлиман деб севинмагил хўп,  
Сендан бахтироқ дунёда кўп.  
Бахти қора атама ўзинг,  
Ҳоли забун оламда тўп-тўп.*

\* \* \*

*Башара бор, юзимиз йўқ,  
Тил бир қулоқ, сўзимиз йўқ.  
Балиқ бошдан сасир, дерлар,  
Бетайинмиз, тузимиз йўқ.*

\* \* \*

*Бағрингни кенг қилгил, меҳнатлар ўтар,  
Ташвишлар аригай, иқбол ҳам етар.  
Оқсоч оламни кўр, тўлар-тўкилар,  
Хазонли боғларда турфа гул битар.*

\* \* \*

*Баҳор тароватин йўқдир қиёси,  
Фирдавсдан андоза гуллар қийғоси.  
Одам деб яшнайдиги йилда бир олам,  
Англр бунн бўлса кимнинг пайҳоси.*

\* \* \*

*Баҳор эшик қоқар чиройга тўлиб,  
Олам яшнаб борар навқирон бўлиб.  
Кечаги хазонлар ўрнида кўклам,  
Қирларда очилар чечаклар кулиб.*

\* \* \*

*Беаёв бўлмаса бунчалар тақдир,  
Гуноҳқордир бандга, осий, ноҳақдир.  
Кулфатнинг устига кулфатми тақдир,  
Наҳот, мусибат қалаштирар чоқдир?*

\* \* \*

*Бетайин амалга келса кўргулик,  
Исботи, ранг кўр-у ҳолни сўргулик.  
Тил бошқа, дил бошқа, мансаб зулуги,  
Догга етар йўқдир, Худо ургулик.*

\* \* \*

*Биламан, етиш йўқ, беҳуда саъйлар,  
Интизор кечмоқда йиллару ойлар.  
Ёлворсам, рост бўлмас биз сари ройлар,  
Кун-кундан ўйловдан қаддимдир ёйлар.*

\* \* \*

*Билимдон чоғлама ўзингни укам,  
Алломалар кўпдир ирфони маҳкам.  
Тадқиқ эт, қиёсла, сўнг хулоса қил,  
Шошилма, барига вақт эрур ҳакам.*

\* \* \*

*Билогон кўпаяр охир замонда,  
Айниқса Магрибу Машриқ томонда.  
Қоинот тилсими қолмағай пинҳон,  
Ишқилиб, Она-Ер бўлсин омонда.*

\* \* \*

*Билурман, айтганим ҳануз бўлмаган,  
Отамнинг душмани тирик, ўлмаган.  
Аммо, ёмон ният эмас муддаом,  
Фаразу қасд сабаб, толеъ кулмаган.*

\* \* \*

*Бир вужудда икки дилнинг борлиги ёмон,  
Бир оғизда икки тилнинг борлиги ёмон.  
Қимлигин билмайсан: одамми ёки шайтон,  
Бир ўчоқда ҳам чўғ, кулнинг борлиги ёмон.*

\* \* \*

*Бир-икки ғаламис чалғитди сени,  
Ёмонлаб ҳақимда демади нени.  
Аллоҳ ёрлақолди, англадинг чоғи,  
Ҳаққи, ёвинг ичра кўрмадинг мени.*

\* \* \*

Бирнинг касофоти теккайдир мингга,  
Зарари бидъатнинг еткайдир динга,  
Фақат ўзин ўйлаб яшамоқ — торлик,  
Дунёни Аллоҳ кенг этгайдир кенгга.

\* \* \*

Бировлар ишини қиламан дема,  
Чунки, ҳаёт бошқа, эмасдир кема.  
Тан бошқа, йўл бошқа, ризқинг ҳам бўлак,  
Ўзгага эргашиб адабинг ема.

\* \* \*

Бир сўз дейман, амал қилишинг керак,  
Қучиб бахтни, ойдай тўлишинг керак.  
Хоҳлар дилни хоҳлаб, қулишинг керак,  
Хулмас, севганники бўлишинг керак.

\* \* \*

Бошимда айланар доим бир савол,  
Нечун салтанатлар топади завол?  
Тарихнинг жавоби нечундир мужмал,  
Рост-ёлгон қўйнида мудрайди ҳалол.

\* \* \*

Бугун насиҳатдир кераксиз матоҳ,  
Эмаклаб юрган ҳам билимдон, чатоқ.  
Отага ўргатар «тадбиркор» ўғлон,  
Билганин қилади ҳарқанча тутоқ.

\* \* \*

Бу дунёда даҳолар кўпдир гоят,  
Қайси тамкин, қайсиси машҳур гоят.  
Бири ночор, бири бошқарар давлат,  
Ким бўлса-да, элга нафъ етсин шояд.

\* \* \*

*Бўйингдай бўйни топмогинг тайин,  
Дилингдай дилни топмогинг қийин,  
Яхшилар кўнгилни гулга менгзарлар,  
Илтифот лозимдир самимий, майин.*

\* \* \* \*

*Бўлсайдим хассос бир қилқалам рассом,  
Ҳаётнинг сувратин фусункор чизсам.  
Қалам олдим қўлга ҳавасманд, интиқ,  
Васфига, умидким, ҳиссамни қўшсам.*

*\*\*\**

*Ватан тинчлигининг садқаси кетай,  
Тавоф айлаб тупроғин, тўтиё тай.  
Қийин дамлар ўтар, етгай рўшнолик,  
Ғаним кўзи чиқсин, баралла айтай!*

\* \* \*

*Вақт етса банда дунё ишин тузатар,  
Юзланиб ором, оёғини узатар.  
Ҳожат бўлмас энди мол-ҳол, амал, бойлик,  
Оқ либосда хешлар сўнг йўлга кузатар.*

\* \* \*

*Вақтида гумонлар қилдинг кўп ёмон,  
Рақиб билиб, бермайин дединг омон.  
Аниқ бўлди бари ўтмай ҳеч замон,  
Дўст деганинг кетди, Поёнчи, ҳамон.*

\* \* \*

*Вақтида ёш шоир чиқди отилиб,  
Баланг парвоз этди шеърлар етилиб.  
Мақтаб туриб кўзин ўйдилар, охир,  
Истеъод ароққа кетди сотилиб.*

\* \* \*



Вақт келар сўзларим бўлгуси шиор,  
Беш кунлик дунёда низолар бекор.  
Яшамоқ лозимдир мисли биродар,  
Тотув юртга Аллоҳ нурини тўкар.

\* \* \* \*

Вақтида оқарса соч-соқол гуруст,  
Йиллар оша вужуд албат тортар сушт.  
Лек оқлик-покликдир, умринг чўққиси,  
Бўяб мўйинг, кулги бўлмагил, эй дўст.

\* \* \*

Ваъдалар берасан майиндан-майин,  
Ижросин кутаман йилу ой сайин.  
Кеч билдим, экансан луттибоз, қирриқ,  
Амалинг катта-ю, ўзинг бетайин.

\* \* \*

Воқифман тарихдан, биламан сал-пал,  
Шоҳ, гадо, оламдан ўтар галма-гал,  
Бу, балки навбатдир, балки зарурат,  
Тақдир, ризоликсиз қилинадур ҳал.

❦

Гавлак шер тулки тузогига тушар,  
Хуш ёқибон, мақтовларидан шишар.  
Жиловни олдириб, дўмини қисар.  
Ўрмондан айрилиш режаси пишар.

❦

Даврон равишини англамоқ қийин,  
Нуфус ичра ортиб борар бетайин.  
Енгил-елпи ҳаёт, мўмай пул топниш,  
Қоида бўлмоқда кун ўтган сайин.

\* \* \*  
Даврон ўтар, шошма, димогинг бекор,  
Дўсту ёрга атай фирогинг бекор.  
Бу курсидан тушмоқ сенга ҳам етар,  
Унда йиққан молу ярогин бекор.

\* \* \*  
Дастурхон элимга табаррук, киром,  
Неъматлар сарвари нонга эҳтиром.  
Туз тотган бўлмайди душман ҳеч қачон,  
Дўстлик бардавом, борди-келди, хиром.

Дедим, майли, орқа-бошинг тириштир,  
Камбагалу бой бўлгандан суриштир.  
Гар бир ташвиши бўлмаса, менга кел,  
Ками бўлар, ҳатто, тожга эриштир.

\* \* \*  
Дейлик, мугдаога эришдинг, рақиб-  
Кетди қайтмас бўлиб, бағрини ёқиб.  
Ғалабангни билди биров, билмади,  
Кўксингга қўймадилар нишон тақиб.

\* \* \*  
Дерлар, қалин қозон қайнаши қийин,  
Дерлар, яхши отлар чопадир кейин,  
Дерлар, шошилган қиз ялчимас эрга-  
Эл айтгани мақол ҳикматдир тайин.

\* \* \*  
Дилкаш, фозил инсон Худойқул Усмон,  
Менга дўсту қадрдон Худойқул Усмон.  
Ҳунари гул, ошпаз, шайдоғи ашъор,  
Санъат севар жондан Худойқул Усмон.

\* \* \*  
Доносан, айт, дўстим, нима бўлмоқда,  
Атрофдан мубҳам бир овоз келмоқда.  
Байрамга ўҳшамас, таъзия эмас,  
Ҳадикми, шодликми? Юрак тўлмоқда.

\* \* \*

Дориломон ҳаёт шукронасин қил,  
Бойиб борар аста-секин давлат, эл.  
Ночор кўндир ҳозир, ортади яна,  
Замон рафтин билмас аҳволи мушкул.

\* \* \*

Дунёга келади бесаноқ одам,  
Бир муддат қад ростлаб бўлади адам.  
Тугилди, яшади, ўлди-тарихи,  
Унут бўлиб кетар бари, қолмас ном.

\* \* \*

Дунё гарчанд туюлар кўркам,  
Тезда билгунг, тўлиқмас бир кам.  
Завқинг сўнар, эзар меҳнатлар,  
Қалб тубига кўмилар илҳом.

\* \* \*

Дунё тўла шодлик, алам, нидога,  
Минг қўйлининг иши тушар гадога,  
Гиёҳки, тош тешиб интилу рурга,  
Бандадан ҳаракат ёқар Худого.

\* \* \*

Дунёнинг ўйини топмоқ, йўқотмоқ,  
Қишида қотмоғу, ёзда исимоқ.  
Ким бугун шодмондур, эртага ғамнок,  
Навбатдур бахтни ҳам қайғуни тотмоқ.

\* \* \*

Дўстим, синфдошим, дилкаш суҳбатдош,  
Қадрдон, камтарин, кўпга бўлган бош.  
Армон, ўртаниш, кўзда селоб ёш,  
Жаннат бўлсин жойинг, Қурбон Эргаш.

❦

*Етар, мақтов гаплар айтиб ҳам бўлдим,  
Беҳуда ваъдалар, пуч гандан тўлдим.  
Қайрилиб боқмаслар иши битганлар,  
Ғусса торта улар ҳолидан кулдим.*



*Ёзмай дейман, қўлга қалам олмайман,  
Бездим бўҳтонлардан, қулоқ солмайман.  
Дардлар етилади, шеърга айланар,  
Юрак ёрмоқ одатимдан қолмайман.*



*Ёмонга чиқариш осон одамни,  
Қийинмас яхшилаш ҳар ўтган дамни.  
Юзаки баҳолаш — энг оғир хато,  
Оқибати жарга элтар қадамни.*



*Ёмонликни ёш бола ҳам эглайди,  
Яхши одам ўзни баддин чеклайди.  
Гул битмас зах ерда, лек, ажриқни кўр,  
Танламайди жойни, ўрчиб, кўклайди.*



*Ёмонники эмас замона фақат  
Ғарчанг эгиладир, синмас ҳақиқат.  
Интилиш, халоллик бўлганда қанот,  
Яхшилик келтирар сабр ила тоқат.*



*Ёмон ўлмас, соя бўлиб сугралар,  
Ажал олмас, келиб неча сугралар.  
Ачинмоқ гуноҳдир, лойиқдир хазар,  
Қилмишидан яқинлар ҳам ор қилар.*



Ёмғир ёғаётир-марварид, инжу,  
Заминнинг малҳами, гурдона ганжи.  
Қақратиб қўймасин шафқатли Эгам,  
Ёгинсиз ортади банданинг ранжи.

\* \* \*

Ёмғир ёғаётир файзли фарахнок,  
Кўпчимоқда яшнаб ташна бўлган хок,  
Яхши ният қилган эл ризқи бутун,  
Ғалласи фаровон, берур ҳосил ток.

\* \* \*

Ётмоғил ғофил, кузат тонг отмоғин,  
Чиқиб қуёш, Шарқнинг нурга ботмоғин.  
Тун ўрнини кун олмоқда ҳикмат бор,  
Боқғил тинглаб қушлар олқиш айтмоғин.

\* \* \*

Ёшмассан, ҳолбуки, қилигинг ўртар,  
Ҳавойи ваъдалар ҳаммадан бағтар,  
Аллоҳим кимсани этмасин муҳтож,  
Ҳожатманд изингдан халақдир қатор.



Жонга қасд қилгувчи манқурт, нотовон,  
Элга қутқу солмоқ қасдидир равон.  
Кўзни оч ватандош, ем бўлмай ўққа,  
Бу ҳолда узоққа бормасмиз омон.

\* \* \*

Жонингни ҳовучлаб тўпладинг бойлик,  
Қасрлар қура олдинг жуда чиройлик.  
Ҳаловат билмадинг, тугади соғлик,  
Қани имкон, десанг «даврон сурайлик».

\* \* \*  
Жилслик, юртдошлар, Ватанга мадор,  
Иноқлик, аслида, ўтмишдан ёдгор.  
Аждодлар удумин сақламоқ фарздир,  
Тафриқа қилғуси мамлакатни хор.



Замона зайлини англадик бироз,  
Мақтов - мусобақа, қувғун—эътироз.  
Боши берк кўчада саргардон карвон,  
Таъма қозонига пишар инқироз.

\* \* \*

Заҳмат чекиб китоб ёзган ким турур,  
Четга суриб шўрни, бари жим турур.  
Баҳонада катта амал олдилар,  
Масалдур, калтак еган етим турур.



Изҳори дил қилмоққа кўпдан чоғландим,  
Асирингман, ёр, сенга ипсиз боғландим,  
Хоҳласанг тингла сўзим, истамасанг йўқ,  
Бу сўнги умид... Поймол бўлса, доғландим.

\* \* \*

Илм ҳам, ижод ҳам бу кун қадрсиз,  
Ўрнинг топмассан бир тадбирсиз.  
Бўшми чўнтагинг-очма оғиз,  
Тилинг кесади неча сабрсиз.

\* \* \*

Инсонку дунёга келади бир бор,  
Шу қисқа умрда қанча хавотир бор.  
Портлатиш, ўлдириш чиқмоқда авжга,  
Етмасми ҳаётда онда синов, қир бор?!

\* \* \*  
Имконият кутиб яшашми керак,  
Қарағай бўлмаса, ярайди терак.  
Қисинма, бағрингни кенг қилгил, ўртоқ,  
Хавотир, ўйловдан сақлангил, бироқ.

\* \* \*  
Истак-орзуларим Аллоҳдан тилай,  
Яратган амрида не бўлсам, бўлай.  
Бандаси бермайди, олиш нияти,  
Амалда кўз ўймоқ ҳунардир қулай.

\* \* \*  
Ичинг тутаб ётир, асабинг таранг,  
Ўлганнинг кунидан юрибсан аранг.  
Бутдой устаб, афсус, экканинг арпа,  
Қилтиғи уюлиб, бошгинанг гаранг.

\* \* \*  
Иш битгунча ҳурмат, эҳтиром қуюқ,  
Таъриф қилар сени аташиб буюқ.  
Эшак сувдан ўтгач, афсус, танишмас,  
Невчун одам феъли бунчалар суюқ?

\* \* \*  
Ишинг тушганида кўргил сурбетни,  
Кўзи лўқ, тонар ямласа-да китни..  
Безтак, қасамхўр, тавбаку аммо,  
Харом қилиб эмган онадан сутни.

\* \* \*  
Ишонч боғлагандим самимий, маҳкам,  
Қолдим ора йўлда, эътиборинг кам.  
Бир қиё боқдинг-у унутдинг тамом,  
Эътиқод қўйганим бўлгандир хатом.

\* \* \*

Ишонайин кимга, тамом ҳайронман,  
Ён-атрофим бўм-бўш, қуруқ қайронман,  
Яқин олганларим сотишга чаққон,  
Бўлибдир афсона сирим, вайронман.



Йиқилиб, суришиб етдим қорага,  
Қўлим калта бўлди кўпга чорага.  
Етган ситамларни ўйласам ҳар гал,  
Тузларни сепаман битмас ярага.

\* \* \*

Йўлдаман, Аллоҳим, муродим бергил,  
Асрагил паноҳда, саломат қилгил.  
Истагим элимга осойиш, равнақ,  
Қаторда бу қулинг кўкрагин кергил.

\* \* \*

Йўлим енгил эмас, бўлди оғир ва мушкул,  
Дедим ўзга, «Поён, фанга ҳиссангни қўшгил».  
Заҳмат чекдим, битдим қанча китоб, рисола,  
Лек ортдан қолмай ҳасада иғво қилди ташкил.

\* \* \*

Йўқ нарсани фармон билан қилиб бўлмайди,  
Нелар бўлар эрта, афсус, билиб бўлмайди.  
Оқибатли эдик, мурувватли илгари,  
Эслаб энди йиғлаб ҳамда кулиб бўлмайди.



Катталарнинг майда ишлари чатоқ,  
Энса қотириб, қилар тоқатни тоқ.  
Бачкана одатлар тугмами, билмам,  
Буюклар ҳам ундан холимас муптоқ.



\* \* \*

*Катталашиб борар ўйин, жўралар,  
Ёғлиқ луқма истар баднафс, хўралар,  
Юхоми, баломи, нимадир булар,  
Шундай қолмас, бари бир кун сўралар.*

\* \* \*

*Кемириб боради майда ташвишлар,  
Хунобга солади бачкана ишлар.  
Охири кўринмас, номаълум боши,  
Куз-у ёз кўпаяр, авж олар қишлар.*

\* \* \*

*Кимда қасдинг бордир, ўзинга аён,  
Тек туролмайсан Мустақилликдан буён.  
Хавотирга солдинг юртни, элатни,  
Кўрнамаклик қилиб, боргайсан қаён?*

\* \* \*

*Кимсан, бойми, ночор, ишинг тушмасин,  
Амал аҳли билан йўлинг қўшмасин,  
Таъмадан ўзгани олмайдулар тан,  
Қарғиш бир кун ёрар қанча шишмасин.*

\* \* \*

*Кошона девори қўл етмас баланд,  
Хоналарин девлар айлаганлар банд.  
Теварак-атрофга соларлар қутқу,  
Ютарлар неки бор, аждаҳо монанд.*

\* \* \*

*Кузакнинг охири, тўкилган япроқ,  
Қиш келар, қўлида қилич ярқироқ,  
Оёғи тағида сас берар хазон,  
Нудоми, ризолик, аниқмас бироқ.*

\* \* \*

*Кунларни шамолдай ўткинчи дема,  
Дақиқа қудрати, айтинги, нима?  
Ҳисобли тузилган жумла қошот,  
Ер унда сузгувчи митти бир кема.*

\* \* \*

*Кўз очганим, севганим шу юрт бўлди.  
Меҳрим тортган дала, туз-у сирт бўлди.  
Адашмадим дейман илм йўлин танлаб,  
Йиллар кечди, ёшим олтмиш тўрт бўлди.*

\* \* \*

*Кўзни оч оламга, ҳайратли ривож,  
Замин қолиб, энди фалак эҳтиёж.  
Одамзот ақлига тордир она-ер,  
Каҳқашон мулкида, балким, лойиқ тож.*

\* \* \*

*Кўпайиб боряпти кун сари беор,  
Олмоқлик, емоқлик уларга шиор.  
Замона феъли бу таъмага ружу,  
Ботину захирда бузилган меъёр.*

\* \* \*

*Кўп кўрдик амалга минганлар ҳолин,  
Йиғдилар дунёни, кўпайтиб молин.  
Сўнг писиб кетдилар эгардан оғиб,  
Кимсан деб сўрамас жўралар қалин.*



*Лўттибоз кўпайди, ортди бетайин,  
Амал зўрин олар улар кун сайин.  
Нафсига чидамас ҳатто Мурунгов,  
Кимга қийин, гар билмасанг, айтайин.*

*Мададни тилайин Яратган Зотдан,  
Айирмасин асло яхиши ниятдан.  
Ёшимку бир жойда, умидим капта,  
Бахш этсин тилагим улуғ бисотдан.*

\* \* \*

*Майдалашиб бораётир одамлар, эсиз,  
Оқибат ҳам садоқат йўқ, замона файзсиз.  
Тилда қолмиш муруввату аглу диёнат,  
Ёлгон чўлағаб, тиллар айтур каломлар тюзсиз.*

\* \* \*

*Мансаби улуғлар даврада талаш,  
Важҳи манфаатдин ошкора ялаш.  
Бир четда қоларкан эски сафдошлар,  
Арзирми-арзимас, билмам, ўпкалаш.*

\* \* \*

*Мансабнинг шавқи зўр, ҳаволанмасанг,  
Тамкин бўлиб, қани, наволанмасанг.  
Амал курсисининг ишкали оғир,  
Кўзни шира босар даволанмасанг.*

\* \* \*

*Манфаат эшигин очгувчи амал,  
Дўстларни унутиб қочгувчи амал.  
Неча кун яйратиб, узоққа бормай.  
Йиққан- терганини сочгувчи амал.*

\* \* \*

*Масхара ва эрмак мавзуи роса,  
Ташийди каттага чойнагу коса.  
Амалда турса бас, урсин ва сўксин,  
На эркак, на аёл тайёр хуноса.*

\* \* \*

Мақтай-мақтай сени кўкка кўтардик,  
Хушомад бобига бир-бирдан ўтардик.  
Йўқни бор демоқлик азим гуноҳдир,  
Хомтаъмамиз сабаб ерга ботардик.

\* \* \*

Мақтарлар мартаба олмоқлик учун,  
Хушомад зўр хўнар, кўрсатар кучин.  
Ё пулинг, ё тилинг бўлмаса қийин,  
Билимдон, тўғрилар қувилар нечун?

\* \* \*

Маъракалар ўтди, отам йшли ҳам,  
Етти ой эрурки, ўрни ҳамон кам.  
Хувилаб ётибди ҳовли, қўрғони,  
Эслаб вужуд ларзон, бошлар эса ҳам.

\* \* \*

Мен амални сотиб олгувчи эмас,  
Ҳам ҳурматни ётиб олгувчи эмас.  
Эгри йўлдан келган мартаба, айни,  
Қуюн, кўкда узоқ қолгувчи эмас.

\* \* \*

Мендан инқилобчи чиқмасди балки,  
Тортган арқонларим тарангмас, салқи.  
Замона феълени билгандай бўлдим,  
Авлодинг ўйласанг, шўнғима, қалқи.

\* \* \*

Мени ёмонлашдан тўёрсан бир кун,  
Игво, бўҳтонингни кўёрсан бир кун.  
Раижу ситамларинг қайтмайин қолмас,  
«Ноҳақ эдим, тавба», деярсан бир кун.

\* \* \*

*Мен ёмон қулингман, яхши асрагил,  
Сен Раҳмон, Эгамсан, шафқатлар қилгил.  
Гуноҳларим кўпдир, тавбам эса оз,  
Дилимга мағфират шуълангни солгил.*

\* \* \*

*Минг ўйлов, андеша, ёнингта бордим,  
Ёрдам, кўмагингта ниҳоят зордим.  
Амал берган Аллоҳ бермабди шафқат,  
Чекдим пушаймонлар, кўнгилдан хордим.*

\* \* \*

*Миш-мишга бировлар уста ниҳоят,  
Тўғри-ёлғонлигин билмаслар, уёт.  
Фалон айтди дебон қўшиб-чатурлар-  
Сичқон фил бўладир, «етилиб» гоят.*

\* \* \*

*Миш-мишлар соядир, ўтадир зумда,  
Ваҳималар бўлган ҳар бир тузумда.  
Карвон илгарилар гар мақсад аниқ,  
Тарихдан иқтибос бордир сўзимда.*

\* \* \*

*Мурувват бобига бордир бир армон,  
Дейлик, элда биров ночор, бедармон.  
Беванинг чаладир, битмаган уйи-  
Жам бўлиб, ёрдамга келаркан арман.*

\* \* \*

*Мустақиллик-ҳаёт-мамонт деганман,  
Барчасидан эркин устун қўйганман.  
Юртбошини алқашимдан мақсад шу,  
Истибодда кўп дақкилар еганман.*

\* \* \*

Муҳаббат, келиним, сендан кўнглим тўқ,  
Фарзандим деганда, янглишганим йўқ,  
Ўзинг ҳам, дилинг ҳам, ишинг ҳам гўзал,  
Бахтингни мукаммал айласин Холиқ.



Навбахор фаслини қаршила пешвоз,  
Борлиқни уйғотур сабо жуда соз.  
Ялангтуш вужудда жўшади қонлар,  
Бу яшаш даъвати, илоҳий оғоз.

\* \* \*

Найдан тотли сас чиқар, мўридан тутун,  
Теракдан хари, хазон, ёнтоқдан ўтин,  
Неки бор ҳулу қуруқ эрур зарурат,  
Гар бири камдир, дунё бўлмас бус-бутун.

\* \* \*

Нафси ўлқон мудом нафсидан тонган,  
У ямлаб қаърига тортгувчи ўлқон.  
Домига тушганнинг чиқмоғи мушкул,  
Невчунким, эшикни хирс деви ёлқон.

\* \* \*

Наҳот, шундай давом этади ҳаёт,  
Ҳадик ўрлаб, хотиржамлик бўлса ёт.  
Сўниб борса ишонч эртанги кунга,  
Эркин яшамасанг бу юртда уёт.

\* \* \*

Неча йил, неча ой кутдирди висол,  
Улоқдим сахрода мен Мажнун мисол.  
Ёр жамолин кўрмоқ бўлганда насиб,  
Панд берди рақибим, айлади ўсол.

\* \* \*

*Неча кундир қўлим ишга бормайдур,  
Табиат ҳам тунддир, дардин ёрмайдур.  
Ноаниқ ваҳима солар кўланка,  
Юрак тўлган, дўстлар ҳолим сўрмайдур.*

\* \* \*

*Неча ойким, тушди қўлимдан қалам,  
Кетди падар, эзди бағримни алам,  
Суянган тоғингдан ажралиш оғир,  
Юрак бўм-бўш, хувиллаб қолди олам.*

\* \* \*

*Нечун беларвосан, эй дўсти қадрдон,  
Орадан ўтдимми ё сўзи нордон?  
Дилларни поклайлик барча губордан,  
Сухбатлар қурайлик чиқиб ҳумордан.*

\* \* \*

*Нигоҳинг давлатдур, етмоқлик орзу,  
Қоматинг васфидур каломим фарзу.  
Шаҳримда кўрмабман сендайин сулув,  
Қулогингга етсин бу қулинг арзу.*

\* \* \*

*Нималар бўляпти, саросималик,  
Қувончлар пинҳону, ошкора ҳадик,  
Айланмиш каттанинг устида булут,  
Юзага чиқар пайт: ким ғаним, содиқ.*

\* \* \*

*Нолон мисраларнинг борми кераги,  
Қандай эврулмоқда даврон сўроғи?  
Ютуқлар йўқ эмас, лек ночор турмуш,  
Имиллашдан ачир элнинг юраги.*

\* \* \*

*Ноқобил фарзанд ота-она шўри,  
Пойгакка айланар чиққани тўри.  
Молини қўйинг, қолмас зарра обрў,  
Фароғат олислаб, яқинлар гўри.*

\* \* \*

*Нурга ошуфтаман, тонгга парвона,  
ЗИЁГА етишган бўлгай дурдона.  
Офтоб тулуъсида илоҳий қудрат,  
Ёруғлик неъматин ўзи пурмаъно.*



*Одамзот рағбатга, далдага муҳрож,  
Мақтов ҳушлар ҳатто бошга кийган тож.  
Назардан қолмасин, Илоҳо, ҳеч ким,  
«Хорма, бор бўл»-қалбни ёритар сирож.*

\* \* \*

*Одам кўнар экан ҳижрону дардга,  
Ҳаёт синов турур ҳар қандай мардга,  
Сабру ризо ажрин бергайдир ўзи,  
Қувончлар етказур Ҳақ рангги зардга.*

\* \* \*

*Одамлар бор елар, югурар, тинмас,  
Билганидан қолмас, пандларга кўнмас.  
Самарсиз кетади бежо ҳаракат,  
Ақлу тажрибасиз ҳеч бир иш унмас.*

\* \* \*

*Ошланг давлату ўрнинг тахт эмасми,  
Мўъжаз салтанатни эплаш сахт эмасми.  
Фарзанд, набиралар... Дастурхон очиқ,  
Кунлар осуда ўтиши бахт эмасми?*



\* \* \*

*Ойгулойдан ёггор гунча Ҳаётхон,  
Бахтинг порлоқ бўлсин кунча, Ҳаётхон.  
Онанинг умри давом этар, чирогим,  
Сен улағайиб, ўссаниг шунча, Ҳаётхон.*

\* \* \*

*Олган қўлдан берган қўл эмиш хўброқ,  
Ғаний, эҳсон қилгил бағринг очиброқ,  
Ҳасиснинг ҳеч замон кўкармас боғи,  
Муҳтожга берганинг савоби кўпроқ.*

\* \* \*

*Олтишдан ошдингми, уёқ яқинроқ,  
Бундай ҳисоб қил-у орт-олдингга боқ,  
Шамол эсаётир, дамлар ганимат,  
Бутоқда илашиб турибди япроқ.*

\* \* \*

*Онажоним, чаманим, хазонсиз боғим,  
Ниҳолларни яйратган зилол булогим,  
Ҳаёт берган маъбудам, сиғинар Каъбам,  
Меҳрингиздан ўчмағай ёнган чирогим.*

\* \* \*

*Орзу- армонларим саробга дўнди,  
Қаноти қайрилиб ҳаваслар сўнди.  
Тиклаган тепамда увиллар шақол,  
Харобат ичраман, қўлимда мўнди.*

\* \* \*

*Орзуйим ушалмас, демагил зинҳор,  
Яхши ниятингда тургил барқарор.  
Ким тўтди сабрнинг этагин, етар-  
Мудгао даст берур, севинч муқаррар.*

\* \* \*

Орқада қолди бари: довруг, сўронлар,  
Эътиборсиз яна дўсту ёронлар.  
Меҳнат ва интилиш бермади самар,  
Хоҳламади буни баланд турганлар.

\* \* \*

Орқадан ёмонлар олчоқ, ярамас,  
Бошқалар кўринмас, ҳатто, кўзга хос.  
Даврони келди-да майдакашларнинг,  
Шулар катта раҳбар, замонига мос.

\* \* \*

Осойиш кунларнинг қадрига етсанг,  
Ватан обод бўлса, садага кетсанг.  
Қадрин топса одам - муҳими, арзир-  
Эзгу тилақларга ижобат кутсанг.

\* \* \*

Осойишнинг қадри баланд, қувончлик,  
Низо қўпса ажал етгай аянчлик.  
Инсофу адолат бўлсин барқарор,  
Ватанда тоабад ўрнашсин тинчлик.

\* \* \*

Ота қариб, ётса безор бўларсан,  
«Ёш боланинг ўзи», дебон куларсан.  
Дам ўтмайин, бироқ, пушмон бўларсан,  
Кекса ҳолин улғайганда биларсан.

\* \* \*

Очилган оғизга тушмайди чалпак,  
Бежизга бўлмаган ширмой нон ёлпоқ.  
Меҳнатнинг зуридан кирган тандирга,  
Синаб кўргил, бўлса бошингда қалпоқ.

\* \* \*

Оқиб кетди умр дарё мисоли,  
Қолди, лек, захари ва асали.  
Ширину аччиғ нисбатин англа,  
Ҳижрони недир, недир висоли.

\* \* \*

Оқилсан, ёмонни қилмағил ҳамроҳ,  
Ким ҳасад йўлин тутар, бўлур гумроҳ,  
Ҳақни де, харомга урмағил қўлни,  
Гарчанд машаққат халол нони- беҳроҳ.

\* \* \*

Оқ қилиб кўрсатар ўзини анов,  
У пишиқ бандога, бошқалар найнов.  
Бузоқни ўйлабон ичмабмиш сутни,  
Ишондик-а?! Йўқ, кам унда бир қайнов.

\* \* \*

Оғир кечар дўстдан кўнғил қолса гар,  
Жафо қилса ганим, дейсан, садқай сар.  
Ажраш доим осон, ярашмоқ қийин,  
Ўртада неча бир гапи сўзи бор.

\* \* \*

Оғзи куйган пуфлаб ичар сувни ҳам,  
Ёлғиз топсам дейди содиқ бир ҳамдам.  
Тажриба, эҳтиёж солади йўлга,  
Ҳаёт мактаб бўлган азалдан мудом.

\* \* \*

Оҳуни пойлади қариган бир шер,  
Сугралди изиган танин босиб тер.  
Етолмай, аламдан кўз юмди охир,  
Ҳолини билмаган пешонаси шўр.

\* \* \*

Оҳ чекма, жўражон, топилади мол,  
Жонинг омон бўлсин, кўп бунга мисол,  
Муҳими соғлиқку, етишса завол.  
Дунёнг ила тикломайсан бўлиб лол.

\* \* \*

Одам асли яхши гапнинг ағоси,  
Эзгу бўлсин мудом дил ифодаси.  
Ҳатто илон ширин сўзнинг гағоси,  
Илтифотнинг ажри - Ҳақнинг ваъдаси.

### *ДУОА*

Сабрим, ташлаб кетма, тутама бардош,  
Парвона бўл ёнда, бор бўлсанг қардош.  
Нариги дунёда керагингиз кам,  
Тирикликда муҳтождур ёрдамга бош.

\* \* \*

Савияни пеша қилурмиз кўпда,  
Ўз фикри бўлурми оломон, тўпда.  
Мутелик суякка сингмасин экан,  
Эгилган бошларнинг ҳадиги чўпда.

\* \* \*

Севгувчи аёлга тасанно дегил,  
Нозик қалб олдида таъзим қил, эгил.  
У дунёга арзир, ҳурматга лойиқ,  
Қадрин сарбаланд қил, мадҳлар сўзлагил.

\* \* \*

Севмоққа, санамим, этгайман мажбур,  
Майли, қанча қийнаб ҳам қилсангда жабр.  
Тугилиб сўзимдан қайтмадим ҳали,  
Ҳозирку қулингга бор бисот-сабр.

\* \* \*  
Сендан айрилмоқ кечди-ку қийин,  
Қирқ йиллик дўст... Оҳ, эмасдир ўйин,  
Ранжиган дилу озурда гурур,  
Синиқ бутлашга эмасдир бўйин.

\* \* \*  
Сен менинг ёнимда бўлмоғинг керак,  
Тунлар балқиб ойдай тўлмоғинг керак.  
Иштироблар етар, қадрингни топиб,  
Бахтинг қучиб, яйраб кулмоғинг керак.

\* \* \*  
Сенга нима, устинг башанг, қорнинг тўқ,  
Умум дардин ўйлаб ўлтирганинг йўқ,  
Тагингда бедову, ёнда гумашта,  
Баринг бориб турган сатта кўзи сўқ.

\* \* \*  
Сенмасмидинг кеча юлдуз кўзлаган,  
Таъма дебон тобеъларни тузлаган.  
Худо хоҳлаб, тубан кетдинг бир онда,  
Яна сенку, амал бер деб бузлаган.

\* \* \*  
Сен ҳамон гўзалсан ўтса-да йиллар,  
Гарчи ҳаёт осон кечмади, дилбар.  
Муҳаббат-чун тортдинг қанчалар ситам,  
Айрилиқда, оҳким, яқиндир диллар.

\* \* \*  
Содиқми, ихлосманд, сенга барибир,  
Йўлатмайсан ёнга ишлатиб тадбир.  
Ҳозирча парвозинг жуда баландда,  
Эртага бўлмайсан эл аро мудбир.

\* \* \*

*Сочиқ тутган каслар бўғар дебмидим,  
Яқин бўлган бошинг эгар дебмидим,  
Фикр қилган учун бу кашфиёт эмас,  
Кеккайган бош ерга тегар дебмидим?!*

\* \* \*

*Соғиниб етганим, баҳорим, салом,  
Ортда қолди қиш ҳам, изтироб, алам.  
Қумсадим беғубор дала, қирларни,  
Майсалар васфига чархладим қалам.*

\* \* \*

*Соғиниб яшайман умидим узмай,  
Мен ҳамон ўшаман аҳдимни бузмай.  
Унутиш мумкинми ёшликни, айтгил,  
Эсламай бўлмайди навҳалар тузмай.*

\* \* \*

*Суйикли келиним ўзинг, Муҳаббат,  
Ўулқинг хуш, шириндир сўзинг, Муҳаббат.  
Олимжон бахтисан, фарзандлар бахти,  
Гуларга буркансин изинг, Муҳаббат.*

\* \* \*

*Сўз очма инсофдан, у кетиб бўлди,  
Таъма чўлғаб дунёни тутиб бўлди.  
Халолу харомнинг қолмади фарқи,  
Гар охир замон бўлса, у етиб бўлди.*

\* \* \*

*Сўрарлар кўпинча, «фалончи қандай?»,  
Жавобга қўл силтаб, дерлар, «қўйинг, ай...»,  
Бир роман мазмунни жамғур шу сўзга,  
Мушкул бундан зўр баҳо топмоқ атай.*

Таваккул Аллоҳга, дафъ бўлгил ўйлов,  
Кутмаган онингда келадур сийлов.  
Ниятни яхши қил, кўнгли бўлар тўқ,  
Қасд этган сайёғлар ўзи бўлғай ов.

\* \* \*

Тавба дей, таънадан турайн узоқ,  
Ситамгарга ўзи кўрсатар Раззоқ,  
Анови отдан тушиб, минди эшак,  
Чопар қаергача - аниқдир бузоқ.

\* \* \*

Тавбаку дейлик, охирингиз вой,  
Ниҳоят ваҳима чиққанингиз жой.  
Тушишинг хавфидан кўрқасиз жуда,  
Эркинроқ ўтириб ичолмайсиз чой.

\* \* \*

Талтайган боланинг кўрдик кўпини,  
Қулоққа олмайин ота гапини.  
Ўттизга етмайин сўлади гулдек,  
Ичгувчи, нонга зор, элнинг юпуни.

\* \* \*

Тамкинлик ҳислатдур кўп олижаноб,  
Етмоқ мушкул унга фазлини санаб.  
Мусаллам тутилур мунис, мушфиқлик—  
Камдан-кам бандага Ҳақ бермиш танлаб.

\* \* \*

Тантана, байрамни бошқа пайтга қўй,  
Қирққа кирмай, ажаб, оқармоқда мўй.  
Нечундир, туйқусдан ўлиш кўпайди,  
Татирмикан, айт, сен уюштирган тўй?!

\* \* \*

Таом турса узоқ, албатта, ачир,  
Бошлиқ бўлса каззоб, ким ундан ёлчир.  
Катта бозорларда чиқмай харидор,  
Не тонг, эски оғилга қайтса хачир.

\* \* \*

Тарбия иши қийин, машаққат,  
Натижа берар кўп йиллик тоқат.  
Илму одоби гар эмас уйғун,  
Бўлмас фарзандга меҳру садоқат.

\* \* \*

Тарих кечирмайди ногон раҳбарни,  
Тўпласа-тўпласин, майли, пул, зарни.  
Элини ўйлаган олади олқиш,  
Ному абад қолур, дейлик иқрорни.

\* \* \*

Тасали босгайми кулфатни, ғамни,  
Далда тўлдиргайми йўқотиш, камни.  
Яратган қўлмасин бандасин ўзи,  
Кўкрагин кўтарсин ул боши хамни.

\* \* \*

Ташвишдан ортмайди оғдий одамлар,  
Қойил, амалдорлар, собит қадамлар.  
Кўп ҳақида ўйлар, ишлар, яшарлар,  
Улгурар барига бўлиб бардамлар.

\* \* \*

Ташвишлар занжири боғлаган мени,  
Иложнинг йўқлиги доғлаган мени.  
Қўлимдан тушувчи бўлмаган, нетай,  
Ҳалиям, Аллоҳим сақлаган мени.

\* \* \*



Ташвишлардан, қадрдон, фориғ бўл энди,  
Уста сув ичгани бўлмасин мўнди.  
Болалар ризқини қўявер Ҳаққа,  
Роҳатлан, елкага ташлабон тўнни.

\* \* \*

Тақдирдан ризоман, келдим шу ерга,  
Не бир яхшилар-ла ишладим бирга.  
Ёмонлар жабрин ҳам тортдим, яширмай,  
Шукр нолиш йўқ, кўпинча чиқдим тўрга.

\* \* \*

Таънадан узоқман, тавба тилимда,  
Учрадингга сен ҳам охир йўлимда.  
Озорлар етказдинг кўнглимга ноҳақ,  
Чуваб қолдинг охир ўнг-у сўлимда.

\* \* \*

Таъқиб қилди мудом бир гала итлар,  
Ютмоқ бўлди ўзин санаган китлар.  
Асради Аллоҳим, саломат борман,  
Безраяди ҳамон чарм тортган бетлар.

\* \* \*

Телба кўнглим, мени қайга бошларсан,  
Орзу, ҳавас қули бўлиб яшарсан.  
Бажо бўлмас истак, беҳуда ёнма,  
Талпинма бемаврид, кўзим ёшларсан.

\* \* \*

Темурбек, набирам, қувончим ўзинг,  
Соғлом ўс, келажак ишончим ўзинг.  
Ўқигил, тил ўрган, эртанг нурафшон,  
Бахтингни тилайман, севинчим ўзинг.

\* \* \*

*Тилагимнинг даст бермоғи қийин кечадур,  
Кўп шаввозлар муаммони осон ечадур.  
Сиқтамаймиз, сабр этагин тутамиз маҳкам,  
Орзулари ушалмаган биздек нечадур.*

\* \* \*

*Тонгта ишонаман, ишонгум нурга,  
Саодат боғлиқдур онгта, шуурга.  
Пок ният бандалар йўли мунаввар,  
Завол етишмагай асло гурурга.*

\* \* \*

*Тонгда айтгил шукринг Яратган Зотга,  
Лойиқ кўрди, эй банда, илтифотга.  
Илтижо қилганлар сонсиз, саноқсиз,  
Қай бири етди, айт, сендек роҳатга?!*

\* \* \*

*Тонгни шарафлайди қушлар сайрашиб,  
Наҳорда ҳикмат бор, юрсанг яйрашиб.  
Элу юрт ҳақиға қилсанг дуолар,  
Яхшилик йўлин тут кўп-ла ўйлашиб.*

\* \* \*

*Тонгда қилдим дуо отам ҳақиға,  
Муножатим етсин Аршнинг тоқиға.  
Шод бўлсин арвоҳи, қабри тўла нур,  
Мангу ором топсин кетган бақоға.*

\* \* \*

*Тунлардан тонгларга уланган меҳнат,  
Тонглардан тунларга чўзилган захмат—  
Юртимнинг бабини кўрсатмоқ ният,  
Муддао на унвон ва на мукофот.*

\* \* \*

Тун ўрнини тонг олишда ҳикмат кўп,  
Зулмат чоғи меҳнату машаққат кўп.  
Сахарда муножот даргоҳда қабул,  
Кечаси юрганга, бил, фалокат кўп.

\* \* \*

Тўғри айтдинг, мен жаннатдан умидвор,  
Истиффордан, шу боис, қилмайман ор.  
Ўйлаб бўлдим бу дунёнинг ишларин,  
Мўминдурман, охиротдан хавфим бор.



Улуғ шоирларга ҳавасим баланг,  
Асарлари хазина, туганмас панд.  
Сўзнинг сеҳри боис ҳайрату завққа,  
Ижод қилсам дейман мен улар монанг.

\* \* \*

«Умид уммони»га бугун тақдимот,  
Назм бобида, гарчанг, кутмасман шавкат,  
Тўртликлар юрагим қонидан бино,  
Қадрига етарлар топилур, ҳайҳот?!

\* \* \*

Умри фузунликка толиб борамиз,  
Куч-қувватдан қолиб, қариб борамиз,  
Баҳор кечиб, ўтганида ёзу куз,  
Фигон айлаб қишдан, нолиб борамиз.

\* \* \*

Умримни ўткардим олий даргоҳда,  
Мадраса матлаби, бўлдим оғоҳда.  
Шогирдлар ризоси эрди шиорим,  
Демаш раҳматлари бунга гувоҳ-да!

\* \* \*  
Умрку ўтқинчидир, кетмоқлик аниқ,  
Фарзанд, набиралар, ишингдан қониқ.  
Темурбекка ата ижод, қаламинг,  
Чирогинг ортингда қолса бас, ёниқ.

\* \* \*  
Уришар болалар—зум ўтмай яраш,  
Уришар катталар—авж олар кураш,  
Бу ўйин даҳшатли, чўзилар узоқ,  
Яқуни ҳалокат, вайрона, инграш...

\* \* \*  
У қазноқдан чиқиб келган тўймас каламуш,  
Қувилсада ишдан, амал даъво қилармиш.  
Чўқимаган қарға кўзин ҳечқачон қарға,  
Ҳомий яна мансаб бериб бошин силармиш.



Файласуф демиш, оз емоқ ярашиқдур,  
Ким емоқ-ичмоққа, таомга ошиқдур,  
Вужудин емирар хасталиклар жами,  
Танидин қабр қазгувчи санчқи, қошиқдур.

\* \* \*  
Фалокат юзланди яна Ватанга,  
Тошкентда аёллар қасд қилди жонга.  
«Болалар дунёси» олдида портлаш,  
Зил кетди тинчлигу қадру имонга.



«Халқ бұл», деб шоирлар чекарлар нидо,  
Қорин гами турса, шior бexудa.  
Нон топиш, ошaмоқ қайғуси эзса,  
Манқуртдан ўзгаси бўлғайми, Худо?!

\* \* \*

Хато, гуноҳларим этмайман инкор,  
Тўсиқсиз ҳавода адашар шунқор.  
Мураккаб, мушкулдир тўғри йўл топмоқ,  
Ҳаёт аяб турмас ҳеч кимни зинҳор.

\* \* \*

Хотирага қўроғошиндай ботар ёмонлик,  
Дийдаларда совуб, муздай қотар ёмонлик.  
Балким, авлоддан-авлодга ўтар ёмонлик,  
Соҳиби ҳам бир кун келиб тотар ёмонлик.



Чумчуқ семириб, ботман бўлмайди,  
Гадо бойибон шодмон бўлмайди.  
Узат оёғинг кўрпанга қараб,  
Дори меъёрсиз—дармон бўлмайди.



Шайтонга ҳай бериб, қилдим андеша,  
Билмадим, алдашми ишинг ҳамиша?  
Аждодинг ҳурматин тутдим, йўқ эрса,  
Бойлигинг бир пулдир, этмагил пеша.

\* \* \*

Шеърлар ёза олсанг қани Исмоил бўлиб,  
Куйласанг булбулдай юртинга мойил бўлиб,  
Қашқадарё янглиг оқар мисралар равон,  
«Сийпантош»ни ўқи Поёндек қойил бўлиб.

\* \* \*

Шеърга қўлим қовушмай борадур,  
Дилни мунглар тирнаган, яродур.  
Дард қўп, армон қалашган, айтмоқ-чун,  
Назмий ҳайқириқ аъло чорадур.

\* \* \*

Шодон мисраларни қолдим тузолмай,  
Муқимман, боғларни қўйдим кезолмай.  
Очиқ ер йўқ, ҳамма жой савдо, бозор,  
Ҳаёт, ёздим сени шундай - безалмай.

\* \* \*

Шоҳмалик камтарин, ақлидир Комрон,  
Беҳрўзбек шўхроқдир, босиқдир Даврон,  
Маъмурбек, Лазизбек иноқдир жуда,  
Темурбек ўқишдан бўшамас бир он.

\* \* \*

Шукрки, бир бурда нон дастурхонда бор,  
Муҳими, Ватанда тинчлик барқарор.  
Теварак-атрофда фалокат, портлаш,  
Одамлар ўляпти, юрак зирқирар.

**❦**

Эгам даргоҳинга қилдим илтижо,  
Бандангман, тилагим айлагил бажо.  
Асрагил паноҳда, ризқим бутун қил,  
Инсоф бер адувга, нияти бежо?!

\* \* \*

Эгам, кўрдик разилни яйратганингни,  
Ҳам англадик аблаҳни сайратганингни.  
Арқонни узун ташлаш ўзингтадир хос,  
Вақт етар, билгаймиз қийратганингни.

\* \* \*

Эгам, фарзандларим ҳимоянгга ол,  
Бандам де ҳамиша, назарингни сол.  
Хотиржам, осойиш айла қулингни,  
Насиб эт саодат, бахш этгил камол.

\* \* \*

Эй фарзанд, англагил аъмол суннатин,  
Мусалам тутқайсан Аллоҳ неъматин.  
Ҳаёт йўлим бўлсин десанг мунаввар,  
Ўргангил донолар битмиш ҳикматин.

\* \* \*

Эй фарзанд, бўлмагил гофил, эрта тур,  
Тонг отар фусункор, кўргил, завқин сур.  
Яхши тилак айла, бўлгай ижобат,  
Кун бўйи мардона, соғлом, тетик юр.

\* \* \*

Эй фарзанд, ошиқма, ўйлагил сахал,  
Онангга керакмас кимхобу бахмал.  
Қўлингдан келса гар кўнглши кўтар,  
Солмагил қовоғинг, юрмагил мужмал.

\* \* \*

Элим, ниятингни яхши қил,  
Тоза тилак ҳеч бўлмас сабил.  
Халқ мувофиқ—ривож, тўқинлик,  
Ватан обод - фарзандлар қобил.

\* \* \*

Энг содиқ дўстгинам сотди-ку боглаб,  
Арзимас хатомни кўпиртди лофлаб.  
Ғаним бўҳтонин қўй, яқин губорин—  
Қийин кечар экан олмоқлик софлаб.

\* \* \* \*

Эр бўлсанг эрдай бўл, эрдай қилиқ қил,  
Кўкрагинг кўтаргил, равшан бўлсин дил.  
Мардликнинг баридан ушлагил маҳкам,  
Ишингдан, сўзингдан қойил қолсин эл.

\* \* \*

Эрта ташвишида яшайди одам,  
Ризқ йўлида тиним билмайди бир дам.  
Ҳаракат тириклик дўкони эрур,  
Интилмаган касга эшиги маҳкам.

\* \* \*

Эсиз умид, эсиз меҳнат, эсиз соғлиқ,  
Бизга қарсак, унга теғди бир жой—ёғлиқ.  
Сув келтирган хор десалар, мени айтинг,  
Азиз бўлмоқ, билмам, нимага боғлиқ?!

### ❦

Юришгай иш, бўлса кийиминг башанг,  
Дерлар тўрни бериб, «依ликни ошанг»,  
Магар увағадир эгнингга тўнинг,  
Назарга илмайди ҳаттоки ошнанг.

\* \* \*

Юртга оралади ғаламис, шайтон,  
Ўзни портлатарлар чиқдилар қайдан?  
Томирин қуритиш керақдир тамом,  
Лек, жон бериш осонми, айтинг, атайдан?!



\* \* \*  
Юртлар бор, одамлар яшар мукаммал,  
Турмуши маданий, иқтисоди ҳал.  
Машина дегани шунчаки буюм,  
Етаминиз, етмоққа бизда бор сахал.



Яйраб, яшнаб ўсар Муҳаббат гулари,  
Гунчалар-ла безанган ўнг-у сўлари.  
Қийғос очилиб, таратсин ифор мудом,  
Буркансин чечакларга юрган йўлари.

\* \* \*  
Яна таътил, олдда режаларим мўл,  
Ўйловим, шўнғисам меҳнатга нуқул.  
Амоҳга аёндур, ниятларим пок,  
Насиб, ижобатга Ўзи берсин йўл.

\* \* \*  
Ярашиқ вақтида оқарса соч-соқол,  
Нуроний шамойил аксин топар яққол.  
Яшариб қолмайди бўяниб ҳеч кимса,  
Аксинча, иснодга эврулар қийлу қол.

\* \* \*  
Яхши кўрмоқ ҳайрат, овунчим, билсанг,  
Гўзаллик завқ ҳамда севинчим, билсанг.  
Мен шайдо ошиқман, шундай яшайман,  
Севгил, кам бўлмайсан, ўтинчим, билсанг.

\* \* \*  
Яхши тилакларим мунис элимга,  
Ватаним мадҳини солдим дилимга.  
Қариндош, дўсту ёр, бўлинг омонда,  
Васфингиз деб қалам олдим қўлимга.

\* \* \*

*Яхши ҳам ёмонда тоқат йўлин тут,  
Мададни ягона Аллоҳингдан кут.  
Юз буриб яқинлар кетганда нари,  
Бағрингни кенг қил-у кекларни унут.*

\* \* \*

*Яқин олганингдан яқинлик кутма,  
Қаргадан булбулдек оқинлик кутма.  
Элатни қачондир безовта қилган,  
Мудраган вулқондан сокинлик кутма.*

\*\*\*

*Ўзгани ёзгурмоқ гуноҳдир оғир,  
Ғийбатни кўпиртиб ёқмағил бағир.  
Одамни Аллоҳнинг мўъжизаси бил,  
Зора, фикратингда юз берса тағйир.*

\* \* \*

*Ўзимга насиҳат қилмоқдин толмам,  
Бадбинлар қавмига назарим солмам.  
Ёмонлик қилганлар қаерга борди,  
Муродбахш яхшилик изидан қолмам.*

\* \* \*

*Ўзимиз қатори бўлибсан, балли,  
(О, мансаб асали, эрурсан толи),  
Отдан-ку тушдинг-а, миндинг эшакка,  
Эшак ҳам кам эмас, от каби ёлли.*

\* \* \*

*Ўзни, балким, хорлаш керак эмасдур,  
Кетган обрў дарҳол қайтиб келмасдур,  
Ўралашмас оёқ остида мардлар,  
Эс борида этак ёпган каммасдур.*

\* \* \*

Ўйласам, умримда йўқотишлар кўп,  
Кетганлар жамланса бўлар эди тўп.  
Ютуқ ҳам кам эмас, қилай шукрона,  
Келганлар ўринни тўлдирдилар хўб.

\* \* \*

Ўламса кўпаяр замона озса,  
Файз, барокат қочар ҳасад чоҳ қозса.  
Тилда қолса ёмон ағлу диёнат,  
Мечкай тўймас ғаний дастурхон ёзса.

\* \* \*

Ўпканг недан, охир, ишлаб ҳам бўлдинг,  
Яхши-ёмон кўнгул хушлаб ҳам бўлдинг.  
Сулаймон тўймаган дунё эрур бу,  
Даврон ўтиб, кўзинг ёшлаб ҳам бўлдинг.

\* \* \*

Ўпқонлар бор дунёда ҳатлаб бўлмас,  
Чаққонлар бор дунёда чўтлаб бўлмас.  
Умид билан яшар, одатда, одам,  
Армонлар бор дунёда бутлаб бўлмас.

\* \* \*

Ўртамизда дарё, қирғоқда икков,  
Сувлари ҳайқирар, тўлқинлари ёв.  
Қирғоқку қирғоққа қўшилмас абад,  
Етишармиканмиз биз—қаттиқ синов.

\* \* \*

Ўртанаман кўзинг ёшларга тўлса,  
Ёҳуд юзинг чечак мисоли сўлса,  
Дунёни пойингта айлардим нисор,  
Битта кулгинг учун, қўлимда бўлса.

\* \* \*

Ўтгувчи умрда озми-кўпми иш қилдик,  
Вақтида дўстлар ила кўнгила хуш қилдик.  
Ҳукмини юритди вақт шоҳ-гадо узра,  
Хушнуд дамларни эслаб бу кун туш қилдик.



Қаерга боряпман, кутаётган ким,  
У дўстдир ё душман, эҳтимол, ҳоким?!  
Нечун чорлаётир, билсайдим токим,  
Мубҳамлик азалий қийнагувчи ҳукм.

\* \* \*

Қайдин келди кулфат, бундай ўйлаб кўр,  
Сабаб ила боғлиқ оқибат бўлур.  
Хато кимдан ўтган, бобонгми, сендан,  
Экканинг, вақт келар, авлодинг олур.

\* \* \*

Қарилик, ярашмас ёшлик ўйлари,  
Қад эгик, оқарган соқол, мўйлари.  
Кўнгилининг жилловин мушкулдир тутмоқ,  
Айнимасин чоллар феъли хўйлари.

\* \* \*

Қаримоқда ҳикмат кўп эрур жуда,  
Мўминга яхшилик фан қилур Худо,  
Гангитар нокасни айлаб афтода,  
Зиқна, ҳасадгўйни имондин жудо.

\* \* \*

Қасд қилди жонига аёл—портлади,  
Имону ҳамият синди—доғлади.  
Тубанлик бўлмайди ҳеч бундан ортик,  
Ичдан чиққан бало ёвни шодлади.

\* \* \*

Қачонлардир баҳор, ёзни кузатганман,  
Оғир қарвон кузни йўлга узатганман.  
Галда энди шитоб айлар умрим қиши,  
Ношложман, унга яроғ тузатганман.

\* \* \* \* \*  
Қизиқ, бор ҳам, йўқ ҳам бугун нолийди,  
Ким қотган нон, кимдир асал, бол ейди.  
Шўро даври қайтмас, айтавер очиқ,  
Ақли бор, тағбиркор энди бойийди.

\* \* \* \* \*  
Қийиндир сенга ҳам, бўлсангда катта,  
Каттадан катталар бўладир ҳатто.  
Қалтирар тизларинг жисминг кичрайиб,  
Тилинг лол бошлиқдан есанг гар шатта.

\* \* \* \* \*

### *Шоймардон ёди*

Қирқ икки ёшда кетган, эй дўхтур укам,  
Энди нариги оламинг бўлсин бекам.  
Фирдавс боғи эшикларин очсин сенга,  
Бу дунёда фарзандларинг кўрмасин кам.

\* \* \* \* \*  
Қишлоқ итин феъли қизиқ, гашлашар,  
Кўрса бир-бирини хурар, тишлашар.  
Таажжубга солар жиҳат шундаки,  
Доҳил бўлса бўри, улар бирлашар.

\* \* \* \* \*  
Қишлоқ одамлари боймас, камбағал.  
Текисмас кўчаси, тупроғу шағал.  
Лек сўнги товугин сўяр меҳмонга,  
Бағри кенг, меҳнаткаш, оддийроқ сахал.

\* \* \*  
Қишлоғимдан келди сафобахш хабар,  
Тўй бўларкан гўзал жияним Лобар.  
Оила бахтидан ортиқ нима бор,  
Тотувлик тилаймиз биз хешу табар.

\* \* \*  
Қувончинг кўнглимни кўтарар тоғдай,  
Камолинг мисоли яшнаган боғдай,  
Саодат юзлансин, кулсин толеъинг,  
Даштда қўйинг, бўлсин омборда бугдой.

\* \* \*  
Қўшиқни тингладим, кўнглим бузилди,  
Ёғда тушди падар, навҳам тузилди,  
Отани улуғланг отаси борлар,  
Қадрини эсладим, бағрим эзилди.



Ғалвир элар, қўйи тушар бугдойи,  
Қўқум, чақирларнинг баландда жойи.  
Замона элагин айла тасаввур,  
Тепада ногону тубанда шойи.

\* \* \*  
Ғам ема, оғайни, тўймаслар тўёр,  
Бир кун ғаламис ҳам қилигин қўёр.  
Ёғ ичига бўйрак қолгай қисилиб,  
Харом еган кўзин Аллоҳим ўёр.



Ҳадисда келибдур, бойлик мол-дунё эмас,  
Пайғамбар наздида мезон бунда ўзга хос:  
Ғар муҳтож бўлмаса бошқага, ганийдур ул,  
Ўз кунин кўрганни ҳеч ким камбағал демас.

\* \* \*

*Ҳамма бирдай яхши бўлмас,  
Ёмондан ҳам олам тўлмас.  
Тун-кунда бор мувозанат,  
Низом мавжуд кўз илгамас.*

\* \* \*

*Ҳамманинг ҳам бўлар бирор ташвиши,  
Болаларнинг, ҳатто, кўпайган иши.  
Аълодир ёшлиқда сингса онгларга,  
Хўб эканин яхшилиқнинг қайтиши.*

\* \* \*

*Ҳаммадан қадримга етарсан, девдим,  
Эрк бердим хаёлга, оромни қувдим,  
Қартайиб янглишмоқ кечирилмас ҳол,  
Нима бўлса бўлсин, барибир, севдим.*

\* \* \*

*Ҳанузгача ортга боқмайин келдинг,  
Рўзгор, ишни дегинг югурдинг—елдинг.  
Умрингнинг қиши ҳам қолди яқинлаб,  
Яшаш нима экан, неларни билдинг?*

\* \* \*

*Ҳар тонг Ярапианга шукронам бисёр,  
Қалбимда нурланар эзгу бир ҳислар.  
Элимга, юртимга тилаб омонлик,  
Фарован яшасин дейман гўсту ёр.*

\* \* \*

*Ҳасратлар мудради, қайгулар тинди,  
Толиққан ниголар юракда сўнди.  
Зулмат этагига кўз ёшин артиб,  
Оппоқ тонг тераклар учига қўнди.*

\* \* \*

Ҳақиқий мўминда тан, руҳ занжирбанд,  
Имону эътиқод, бандалик монанд.  
«Занжирбанд шер - енгаман дер», ҳикмат, чун,  
Тийиқсиз вужудда нафс берадур панд.

\* \* \*

Ҳолинг забун, тамошабин кўп,  
Ғийбат қилур бўлишиб тўп-тўп.  
Далда берар бир меҳрибон йўқ,  
Қандай замон, ўйлаб боққил хўп.

\* \* \*

Ҳотам саховати кимгадир ҳавас,  
Шовқун кўп бўлсин-у ном чиқарса, бас.  
Қоқ кулча наздида ёғлик патирдир,  
Зиқнадан бошқасин кутмоқлик абас.

2008



## Ғ А З А Л Л А Р

*Богланди дил бир нозанин санамга,  
Садқа дейди Поён жонин санамга.*

*Мартабаи ҳусни эрур фалакда,  
Айтмоқ мушкул ишқ армонин санамга.*

*Чиройидан хижил бўлиб чечаклар,  
Бўйин узуб, тўкар қонин санамга.*

*Интизор кўп йўлларига термулган,  
Билиб бўлмас ошиқ сонин санамга.*

*Муҳаббатнинг асроридан ким огоҳ,  
Этгай нисор хонумонин санамга.*

*Озорлари бисёр, майли, унутгум,  
Кўрсам бир зум вафо онин, санамга.*

*Жафолари танга малҳам, туганмас,  
Айтсам тошиб дил имконин санамга.*

## Ғ А З

*Бўйлай дема кўчага, девор бордур,  
Ҳилама пинҳон сирим, хабар бордур.*

*Кунлар ҳам иссиқ-илиқ бўлмас мудом,  
Олдинда қаҳратон қиш, қорлар бордур.*

*Қўвонма, амал, бойлик қилмас вафо,  
Саховат йўлин тутгил—зорлар бордур.*

*Кўтарма қилич, босгил жаҳлинг, вале,  
Зўрликка қарши ақл - мўътабар бордур.*

*Мақоминг баланд тутгил, сақла обрў,  
Дунёда энг бебаҳо - орлар бордур.*

*Санасанг ўзинг эр, бил ўзгани шер,  
Элчилик, чун қаторда норлар бордур.*

*Бермагил баҳо ҳеч вақт синга қараб,  
Шақли одам, лек, шайтон, айёр бордур.*

*Шукрона қилсанг арзир, Ҳожи Поён,  
Яхшилиқ ишига кўп тайёр бордур.*



*Висолинг талаби энди арзум эмас,  
Мақтову таволло сендин қарзим эмас.*

*Илтижо қилибмен йиллар, парвойинг йўқ,  
Ҳавога кетган бир менинг арзим эмас.*

*Англадим, давронинг келди, айшингни сур,  
Битганим на алам, ҳасад лафзим эмас.*

*Ғанийсан, давлатинг ортди, амалинг зўр,  
Билурман, қуруқ сўз тухфа, нарзим эмас.*

*Кўрибман дунёда қанча иссиғ-совуқ,  
Лек Ҳақни унутмоқ яшаш тарзим эмас.*

*Курсининг ҳавоси ёмон, ердин узар,  
Тушмагил қаттиқ, чун кина ҳифзим эмас.*

*Писанда этмайин дардим, Ҳожи Поён,  
Бу савдо бир менинг юрак дарзим эмас.*



Гўзалдур ниҳоят Қарши баҳори,  
Димоғни қитиқлар гуллар ифори.

Майсалар чайқалар уммон мисоли,  
Тонилари фусункор, сурун наҳори.

Қизгалдоқ, чечаклар очилар қирга,  
Даштлар ҳавосининг ўзга оҳори.

Ўтлайди қўй-қўзи, туялар, отлар,  
Тўқликнинг рамзидир яйлов виқори.

Боғлар ҳам уйғонар, дарахтлар чаман,  
Қизларга етар вақт баргак тақари.

Жолалар ёғади, гумбирлар осмон,  
Ҳайқириқ бўтана сувлар оқари.

Меҳнатга чорлайди табиат жўшиб,  
Кўкламда топилмас деҳқон бекори.

Ҳамалдур ризқ-рўзнинг кони, омили,  
Марвариддур шугринг айни саҳари.

Фасл кўркин васф этиб, Ҳожи Поён дер,  
Қарши, шаксиз, эрур юртнинг гавҳари.



Гўзал, менича нозу фироғинг бекор,  
Илмай кўзга, калон димоғинг бекор.

Истиғнолар ошди ҳаддан, эй пайкар,  
Кўрсанг, атай осор қабогинг бекор.

Жабру жафо фан айладинг, нозанин,  
Сабрим синаб берар сабогинг бекор.

*Агёргадур барча майлу илтифот,  
Ҳолин сўраб қилур сўрогинг бекор.*

*Юзинг шамси қора этди кунларим,  
Боз устига чашми қароғинг бекор.*

*Ёниб айтсам юрак дардим, парвонг йўқ,  
Ситамни, ёр, зиёд қилмогинг бекор.*

*Ҳожи Поён, ошиқдурсан, чидай кўр,  
Ўз-ўзингча гамдин тўлмогинг бекор.*



*Дардинг менга ёрдинг, ўртандим, биродар,  
Билмассан, юракда чўнг ғуссаларим бор.*

*Дўстнинг жафосидин хундир юрак-бағринг,  
Бу ғурбат мени ҳам қийнаган нақадар.*

*Яхшилик ҳақига кўрибман ёмонлик,  
Бошингга тушибди, минг афсус, бу хатар.*

*Юрак тўрига жойлаб, бахш этдинг ҳурмат,  
Эвазига хуноба ютдинг мендин бешбағтар.*

*Қабих шондур, киргай ичингга, иним,  
Еганинг заққум, бўлгай ютганинг захар.*

*Кўмагинг текканда ипақдек эшилур,  
Сўрсанг ёрдамин, таъна-дашном айтар.*

*Ёмонлик жазоси бордур, Ҳожи Поён,  
Кўз очуб юмгунча, албат, жавоб қайтар.*



*Дунёда энг мунис, меҳрибон онажоним,  
Фаришталик, ой каби тобон онажоним.*

*Эл ичра эъозли, койвони ҳам муҳтарам,  
Улуг сифатдур ширин забон онажоним.*

*Оқ ювуб, оқ тараб ўстирди ўнта фарзанд,  
Уғил-қизга парвона ҳамон онажоним.*

*Иқболи баланддур, акс этар юзига нур,  
Тилак, ҳамиша бўлсин омон онажоним.*

*Риёзат етганда энгмишдур мисли Барчин,  
Падарга жафо қилгач замон, онажоним.*

*Тарбият топдик, шукр, яшнагувчи чаманда,  
Бахтимиз, деймиз руҳи равон онажоним.*

*Макка-ю Каъба дедик фарзанд, набиралар,  
Ҳожи Поён учун бир жаҳон, онажоним.*



*Ёмғир ёр кўйида тўккан ашкимча бор,  
Чақин ёр йўлида чеккан рашкимча бор.*

*Фарҳод ушотур тоғдин неча тошларким,  
Севги бобида қилган бир машқимча бор.*

*Мажнун юрмишдур жунун даштида узоқ,  
Шубҳа-гумонлари айтган «кошким»ча бор.*

*Ушшоқ аҳли сонин билмас куҳна очун,  
Лек, қайси бирининг дарди ишқимча бор.*

*Дарё ҳайқирар тошиб, қирғоққа сиғмай,  
Кучи васл учун уммондек тошгумча бор.*

*Баҳор айёми етиб яшнаса боғлар,  
Қай чаманда ёрдек навниҳол химча бор.*

*Ҳожи Насафий Поён Равшансан, дегил,  
Дам ганимат, ёр васлига шошгумча бор.*



*Ёшингизни улуғ этмиш Худо, отажон,  
Бахтингизни тўлуғ этмиш Худо, отажон.*

*Йигитликдан эл ишига белни боғлабон,  
Қилибдурсиз мудом жонни фидо, отажон.*

*Заковат ҳам ақлу идрок, метин ирода,  
Уйгун эрди шахсингизда жуда, отажон.*

*Шўро даври, оғир замон, уруш йилларда,  
Қилалдингиз масъулият адо, отажон.*

*Бошингизда эврулган чоғ тақдир қуюни,  
Букмай тизни, турдингиз мардона, отажон.*

*Яхшиликни шиор айлаб яшаш шарафдур,  
Ибрат бўлгай йўлингиз бу бобда, отажон.*

*Тўқсон бир ёш етишганда, эвоҳ, кетдингиз,  
Армон қолди, бўғзимизда нидо, отажон.*

*Суянч тоғдан айрилмоқ қийин, ёронлар,  
Тилагимиз, обод бўлсин бақо, отажон.*



*Ёш улгайиб, ёронлар, етгай қарилик,  
Баҳор, ёз, куз ҳам қишдан ўтгай қарилик.*

Ҳаёт йўлин мазмуни бўлса яхшилик,  
Муҳтараму мўътабар этгай қарилик.

Кимки қилди тарбият фарзанд, набира,  
Қадрин баланд айлаб, асқатгай, қарилик.

Унут бўлса диёнат, умри бесамар,  
Хор айлаб, захар-заққум тутгай қарилик.

Дол қиладур қоматни, асо ушлашиб,  
Вужуд тўнин ипларин сўтгай қарилик.

Уқубатдур туну кун, кечадур мушкул,  
Жонгинангдан тўйдириб кетгай қарилик.

Лек кексалик ҳикмати кўп арзитганга,  
Ҳар онидан ганимат кутгай қарилик.

Тилак, Ҳожи Поён, узун умр ҳаммага,  
Оқибат шул, бақога элтгай қарилик.



Кундан-кун куч-қувват кетиб борадур,  
Ризқинг битса, ажал етиб борадур.

Яшар одам ният бирлан дунёда,  
Орзу ушолмогин кўтиб борадур.

Очун шафқат билмас, парвойи палак,  
Келганлар армонда ўтиб борадур.  
Соч-соқол оқартиб беҳисоб мардум,  
Эртага умид, кўз тутиб борадур.

Кимки ушлар сабру тоқат этагин,  
Яралари аста битиб борадур.

*Ружу қўймиш кимса молу дунёга,  
У дунёга гусса ютиб борадур.*

*Дарахт кўклар бўй чўзади осмонга,  
Вақт кунда бир баргин ситиб борадур.*

*Яхши аъмол қилмас озоби қаттиқ,  
Бақога, билмадик, нетиб борадур.*

*Ҳожи Поён қўлда қоғоз, қалами,  
Фалсафасин талқин этиб борадур.*



*Мозийла бўйлашган шаҳримсан менинг,  
Нахшабим, Насафим, Қаршимсан менинг.*

*Тарихинг милоддан аввалдур минг йил,  
Қадимий манзилим, фаҳримсан менинг.*

*Юлдузинг чақнади Кешк руд бўйида,  
Аждодлар яратган сеҳримсан менинг.*

*Азалий сахрога бердинг сув ва нур,  
Юртим ўтмишига меҳримсан менинг.*

*Ғанимлар келдилар, Искандар, Дорро,  
Сўнмаган оримсан, қаҳримсан менинг.*

*Қутайба ваҳшати, Чингиз даҳшати,  
Бош эгмай ютилган заҳримсан менинг.*

*Ғурбатлар кўргансан яна ҳам қанча,  
Кул ичра қад керган даҳримсан менинг.*

*Замонлар номингни ўзгартди уч бор,  
Ягона қибламсан—қаршимсан менинг.*



Темурбек ихлоси тушган маконсан,  
Ҳечқачон қуримас наҳримсан менинг.

Ватаним ичига ватансан дилбар,  
Озодлик машъали—бахримсан менинг.

Мағҳингни куйлади Ҳожи Поёнинг,  
Қашқа воҳасида аршимсан менинг.



Оқил эрсанг, дўстни душман айлама,  
Яқинларга дилда гараз жойлама.

Нозик дебдур кўнгли ишин фузало,  
Амал, зар деб ошно танлаб, сайлама.

Зоти настдан дўст чиқмайдур, уринма,  
Яхшилигинг қайтиб ёмон, войлама.

Билиб қилсанг саховатни ярашар,  
Номардларнинг асло оғзин мойлама.

Ота дўстдан узилмагил, боғлангил,  
Чўзма борди-келдини йил, ойлама.

Ҳожи Поён, қадам босгил эҳтиёт,  
Ажратмайин дўст-душманни, найлама.



Пайкар янглиг келмишди уйимга келинларим,  
Файз бағишлабон кўча-кўйимга келинларим.

Ҳар бири моҳ, хулқи хуш, оқила, малоҳатли,  
Ташриф этмиш дўст-ёрон тўйимга, келинларим.

*Жуфти халол танламоқ фарзандга масъул турур,  
Чун орзуйим берди Ҳақ саъйимга, келинларим.*

*Фарзанд бўлди бешовлон фарзандлар қаторинда,  
Ўйлари ҳам монанддур ўйимга, келинларим.*

*Рўзгор дерлар, унда бор ҳамиша аччиқ-чучук,  
Қарар доим беши ҳам ройимга, келинларим.*

*Назира, Лола, Раъно, Манзура ва Муҳаббат,  
Ҳурмат айлаб ўтқазур жойимга, келинларим.*

*Ҳамжиҳату иттифоқ қайнона барчалари,  
Қут келтириб ризку рўз, чойимга келинларим.*

*Оилада тинч-тотув, ували ҳам жували,  
Бўлсин бахти барқарор доимга, келинларим.*

*Ҳожи Поён, шукринг айт, сулола-набиралар,  
Бўйлари тенг бўлибдур бўйимга, келинларим.*



*Сўзларинг жонфизо, гардга гармондур,  
Юзларинг талъати мисли ширмондур.*

*Чаманни кезганда нисор пойингда,  
Изингни ўпажак гулар хирмондур.  
Қошларинг камони новак отганда,  
Жон таслим қилувчи шери даррондур.*

*Чиройинг муҳиби, фидо йигитлар,  
Васлингга етолмай Мажнун зормондур.*

*Севгувчи қўп бўлар, битта бахти ёр,  
Кимгадур шодмонлик, кимга армондур.*

*Висолдин умидвор Ҳожи Поёндур,  
Ушалса орзуси, насиб, комрондур.*



*Туз ебон кўрнамаклар тузликқа туфлаб яна,  
Менгаким тутган захрин тутмасин фарзандимга.*

*Кўролмай омадимни минг тузоқ йўлга қўйиб,  
Менгаким этган ҳасад этмасин фарзандимга.*

*Разолат батқоғига ботган ул қора юрак,  
Менгаким битган хатин битмасин фарзандимга.*

*Яхшилик бўлди ишим шул ҳаёт давомида,  
Менгаким йитган шавкат йитмасин фарзандимга.*

*Ўйладим, Ҳожи Поён, дунёнинг равишини,  
Менгаким отган тошни отмасин фарзандимга.*



*Умидларим сенга боғлаган эрдим,  
Висолингга кўнғил чоғлаган эрдим.*

*Ваъдаларинг ёлғон экан, нозанин,  
Ҳижрон ўртаб, бағрим доғлаган эрдим.  
Билмайдурсан тунлар оҳу зоримни,  
Кундузлари нолон йиғлаган эрдим.*

*Кечирибман бошдин қанча савдолар,  
Лек, ишқ дардин пинҳон сақлаган эрдим.*

*Ҳожи Поён, ёр қилса-да жафолар,  
Вафо матлаб—уни ёқлаган эрдим.*



Чарогон дил бир жумла лутфи карамингдин,  
Осоиш эл равнақи аҳди маромингдин.

Еткурдинг бош осмонга, қадрдон, ташриф айлаб,  
Хонадон файзи таровати—хиромингдин.

Суҳбатинг дониш аҳлин этгай лолу ҳайрон,  
Қўзголур ҳавас маърифатга киромингдин.

Илтифот топди неча фозил, дўст-ақрабо,  
Саховат қасри аталмиш ул ҳарамингдин.

Яхшилик толиби кўп, дилда эҳтироми,  
Оладур баҳра жонга берган оромингдин.

Покдомон зотлар сабаб элда хайр-барака,  
Сўзлайин қониб етказган хуррамингдин.

Мақтади дема зинҳор, ният улуг, хушдир,  
Муҳибинг Ҳожи Поён эрмас қарамингдин



Қора юрак-қиртишлама, оқармагай,  
Ишқалаб юв ҳам гиштлама, оқармагай.

Иши ҳасад, сўзи фасод, ризо бўлмас,  
Яхшилик қил, минг хушлама, оқармагай.

Игво-бўҳтон ёпишгандир йўрғагида,  
Сабаб на деб бош қашлама, оқармагай.

Кўролмайди бўлганингни, гапи кўпдир,  
Хуноб айлар, кўз ёшлама, оқармагай.

Уринмагил қайтарай деб ёмон йўлдан,  
Насиҳатдан сўз бошлама, оқармагай.

Давосиз гард эрур, дўстим, кўнгли кирлик,  
Дорда бармоқ кўп тишлама, оқармагай.

Ҳожи Поён, қозондан сен узоқ бўлгил,  
Мақол маънин ҳеч ташлама, оқармагай.



Қувнагил кўнгул бу кун кутмаганинг келодур,  
Аҳди-вафо кўйидин ўтмаганинг келодур.

Изтироб чекиб қанча, илтифотлар қилибон,  
Сўлдириб даста гуллар тутмаганинг келодур.

Васлини устаб доим, губорини топмайин,  
Афғонга солган ўшал етмаганинг келодур.

Тунлари ёзиб нома, дил изҳори айладинг,  
Жавобга лек бирор сўз битмаганинг келодур.

Офтобинг қилди тулуъ, нурга тўлди осмонинг,  
Ойдайин балқиб, пинҳон кетмагонинг келодур.

Сўнмаган умид эрди, шукронаким, даст берди,  
Шўҳ, аммо, дилни хуфтон этмаганинг келодур.

Севгининг йўли мушкул, тиконлари мўл бўлур,  
Ваъдадин, Ҳожи Поён, қайтмаганинг келодур.



Ҳуснинга, эй пари, ҳаволанма,  
Навосиз ушшоққа наволанма.

Чиройга мағрурлик ҳислат абас,  
Қасди новак айлаб, раболанма.

*Зулфинг мисли команд, хавф соладур,  
Юрак титрар баргдек, саболанма.*

*Лолдур ақл сарв янглиг қадди-бастдан,  
Ҳожат эрмас безак, орананма.*

*Раҳминг келсин ҳайрат кўзларига,  
Кийиб гулгун либос, зеболанма.*

*Юз минг санам кўриб, қолур доғда,  
Сара қизлар ичра сараланма.*

*Ёр васлидан, Поён, уста шифо,  
Ҳаким мадад бермас, даволанма.*



*Маъмурбек ва Лазизбек,  
Ўйнашади, турмас тек.  
Ака-ука иккиси,  
Худди оталаридек.*

*Зийрак, оқил бириси,  
Кучли, чаққон униси.  
Учиришар великни,  
Чарчаш билмай сираси.*

*Боришар бу йил мактаб,  
Китоб олишган атаб.  
Боғча опаси доим,  
Иккисин келган мақтаб.*

*Маъмурбек-чи мулойим,  
Тоза юради доим.  
Лазизбек ҳам одабли,  
Шод ўссинлар, Илоҳим.*

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига*

## *НАХШАБ ҚИССАСИ*



*Мозий-ла бўйлашган шаҳримсан менинг,  
Нахшабим, Насафим, Қаршимсан менинг.*



*Қадимий манзилсан ризқини терган,  
Рўдаксой бўйида кўксини керган,  
Тарихинг милоддан минг йил бурундир,  
Фарзандлар бўлгандир овчи-ю мерган.*

*Кешк руди<sup>1</sup> саҳрони оққандир кесиб,  
Навтоқнинг нуфуси боргандир ўсиб,  
Аждоғга эҳтиёж ерлар сугориш—  
Очгандир ариқлар дарёни тўсиб.*

*Бир ёғи Офуран<sup>2</sup>, бир ёғи Базда<sup>3</sup>,  
Экинү тикинга сув олган ёзда,  
Сарҳадга қўриқчи Казбион<sup>4</sup> қалъа,  
Наърадан жамланган сипоҳлар тезда.*

*Турон гавжум юртдир азалдан беҳад,  
Қишлоғу қасаба сони беадад,  
Ҳунари доврўқли, маъдани машҳур,  
Бойлиги, шавкати сабаби жиҳад.*

<sup>1</sup> Ҳозирги Қашқадарё дарёсининг қадимий номи.

<sup>2</sup> Оброн (Косон) қишлоғи.

<sup>3</sup> Фазли қишлоғи.

<sup>4</sup> Касби қишлоғи.

Аму нарёгидан босқинлар бўлган,  
Фаразла Доро, Кир юришлар қилган,  
Нахшабнинг шукуҳин ғанимлар билган,  
Даштида қон ютиб, андуҳда ўлган.

Тўмарис лашкарин сифида эрлар,  
Чап қўлда ҳам камон отарди, дерлар,  
Юнондан ғолиб қайтган ёвуз Кирнинг,  
Адабин бергандир навтоқлик шерлар.

Кўз ола қилолмас ҳеч бир ёв шундан,  
Туроннинг қудрати ошар кун-кундан,  
Кўпаяр шаҳарлар, ортар қишлоқлар,  
Нахшаб ҳам мустасно эмасдир бундан.

Қалъани ўрайди мустаҳкам девор,  
Баландлиги уч найза бўйича бор,  
Ихшид<sup>1</sup> нинг саройи, оташкада ҳам,  
Истеҳком ичига турар сервиқор.

Ҳунармандлар гузар тутганлар бунда,  
Тутун бурқсир маъдан эритилганда,  
Кулоллар ясарлар қўлларда идиш,  
Мудофаа дебон қўйилган танда.

Нахшаб этагидан оқади дарё,  
Ташланган кўп жойга тўсин, сепоя,  
Қуйи ҳудудларга чиқарарлар сув,  
Пайкал низомига қилиб риоя.

Сувнинг қадри эрди бағоят баланд,  
Зар бўлур томчиси қамалда ҳарчанд,  
Қалъанинг шарқида Моғора тепа,  
Қурилмиш сув учун кошона монанд.

<sup>1</sup> Ҳоким (хукмдор).



*Дарёдан тортарлар сопол қувурлар,  
Текисланиб қанча жарлигу ўрлар,  
Қалъа ичра оби ҳаёт заҳира,  
Фанимга пинҳондур, бу ишлар — сирлар.*

*Яккабоғ тоғидан маъдан таширлар,  
Темирчилар қилгай эрит, пиширлар,  
Ясалар найзалар, дўбулга, қилич,  
Камонга пайклару, кескир шамширлар.*

*Воҳада мўл эрди чорва, ғалла, дон,  
Узум ҳам анорлар, мева фаровон,  
Тилла, мисдан узви эгар-жабдуқнинг,  
Олис юртларда бу эмасди пинҳон.*

*Либослар илакдан, жундан, пахтадан,  
Карвонлар келарди узоқ Хитодан,  
Санъати донг ёйган, отлари машҳур,  
Жўмардлик меросдур Одам Отадан.*

*Кешк Руд водийсида иккита шаҳар,  
Бири Нахшаб, бири Кеш, мисли баҳор,  
Ривожда басма-бас, қарашлар бўлак—  
Бири ўтга, бири сувга топинар.*

*Истеҳком Нахшабда мустаҳкам жуда,  
Талаб солиб келган ёвлар беҳуда,  
Сипоҳлар тобланган жангларда, ҳарбда,  
Лек Кеш билан қардош, бўлганлар қуда.*

*Ўртада яқинлик, борди ҳам келди,  
Машаққатлар бўлса, бирга чекилди,  
Обод айлаб бозор, савдо-сотиқни,  
Боғлар яратилди, дарахт экилди.*

*Кулоллар рамзидир анор ва лола,  
Бири—фаровонлик, ақлга ҳавола,  
Бири—ишқ—муҳаббат, кўпайиш, шодлик—  
Идишларда тасвир етган камола.*

Қалъа теграсида гавжум аҳоли,  
Туркий-у сўтгдийлар яхши аҳволи,  
Иноқ яшайдилар, тугро—чалипо<sup>1</sup>,  
Бирликда кулгандир злат иқболи.

Ниҳоят улугвор ибодатхона,  
Бежирим безакли устунлар яна,  
Маъбудлар ҳайкали қўйилган қатор,  
Деворда суратдан кўндир намуна.

Санамлар суврати ишланган нафис,  
Моҳир қўллар берган илоҳий бир тус,  
Рафаэл<sup>2</sup> га кўрмоқ бўлганда насиб,  
Ҳайрату ҳавасни қилармиди ҳис?!

Тилла типратикон ясалган майда,  
Санъат- кумуш бақа, ўҳшаши қайда?!

Қадрланган замин ҳам барча жонивор,  
Маҳорат акс этар камону ёйда.

Оташкада уйгоқ кеча ва кундуз,  
Тўрда олов ёнар ўчмайин, сўнгсиз,  
Маросимни бошқарар ўт оғаси,  
Гулханга топинур барча чўкиб тиз.

Билурлар, зулматни парчалар олов,  
Ахриман дафъиға қилурлар қалов.  
Яхшилик йўлига қанча қурбонлик,  
Ихшиднинг қасрида турфа ранг ялов.

Оташкада ичи хушбўй, ифоргир,  
Мойчироқ, зиравор, сириқ бордир.  
Рўҳларни шодлабон гуркирар олов,  
Тафтидан ёвузлик бемажол, хордир.

---

<sup>1</sup> Чалипо: хоч шакли рамз, Ерқўргон обидаси ёнидаги маҳаллалардан топилган—П.Р.

<sup>2</sup> Буюк италян рассоми.

Оташкада олди каттакон майдон,  
Тўпланар одамлар теварак жойдан,  
Сакрайди гуноҳкор бунда гулхандан,  
Покланмаса, ўлим топади ёйдан.

Қалъа айланаси сув тўла чуқур,  
От кечиб ўтолмас, ўтолмас ёвқур,  
Дарвоза олдида кўтарма кўприк,  
Туширлар аҳъён бўлганда зарур.

Нахшаб теграсида яшар чокарлар,  
Тепалар қўнолға, йўлга боқарлар,  
Назардан қочмайди учиб ўтса қуш,  
Кўринса оптиқлар табал қоқарлар.

Келгувчи мақсадин юришдан билар,  
Тожирлар туяга қўнгироқ шлар,  
Босқинлар юракни қилгандир зада,  
Қўриқчи сергақдир—эл албат тинар.

Бўзгола<sup>1</sup> тарафдан келади хабар,  
Сарҳадлар осуда, тинчлик барқарор,  
Осойиш ҳақида им қилар Казби,  
Хавотир билмайди саҳройи Бухор.

Тажриба, эҳтиёж ундаган бунга,  
Муҳофаза ярар бир қора кунга,  
Кир, Доро босқини чиқмаган ёддан,  
Ёвузлик воҳани солган кўп мунга.

Кешк руди ёйилиб оқади чўлдан,  
Жойлар бор чангалзор, иборат кўлдан,  
Дехқон пайкалида гуркирар экин,  
Капалар кўринар ҳам ўнг-у сўлдан.

---

<sup>1</sup> Бўзгола—Бойсун худадида, Темир дарвоза.

Кенгайиб боради қалъайи Нахшаб,  
Нуфус ортар Афросиёбга ўхшаб.  
Лекин, бир кун қаттиқ увлади табал,  
Ёв келди, она-ер қолдику қақшаб...



Моқидун юртидан келиб Искандар,  
Қудратли Эронни маҳв этар, топтар,  
Туроннинг шерлари қўшнингга ҳамкор—  
Оврупо йўлбарсин ташвиши ортар.

Даргазаб Искандар Жайхунга етар,  
Бесс ила Спитаман Навтоққа кетар,  
Эронку мағлубдир, кўндаланг Турон,  
Минг алам-ла ҳукмдор дарёдан ўтар.

Искандар нияти, форс ўтса қўлга,  
Ҳиндистон забтига тушарди йўлга.  
Мақсади барбоддир, вазият қалтис,  
Навтоқни енгмай, қил сигмас кўнгилга.

Жайхуннинг ортида жанг бўлар оғир,  
Бедовлар ҳолсиздир, елкаси ёғир,  
Сипоҳлар ер тишлар юртдан олисда,  
Моқидун элида кўп бола сағир.

Спитаман Искандар келар юзма-юз,  
Қиличлардан чиқар оловланган из,  
Турон баҳодури чағдаст ҳам ёвқур,  
Моқидун саркори енголмас ҳаргиз.

Аксинча, биқиндан жароҳат олар,  
Искандар газабин ичига солар,  
Ёрдамга шошилар қанча сипоҳи,  
Муқаррар ўлимдан жон омон қлар.

Навтоқни тезора қилмоқ саранжом,  
Юнонийларга бўлур хаёли хом,  
Тўсатдан юз берар хавfli ҳужумлар,  
Улган кўп, асирлар эмас эди кам.

Сахро шерларини таъқиб қилмоқ-чун,  
Юнонлар билмайди тиним туну кун,  
Орқадан етишар қўшимча кучлар,  
Искандар кўрсатмоқ бўлади кучин.

Ихридлар, ихшидлар, ботир худотлар,  
Навтоқнинг даштида чоптирар отлар,  
Спитаман ялови баланд ҳилпирар,  
Юрак зада ундан Моқдуний ётлар.

От устида ётиб ухлайди шерлар,  
Турон деб жонини тиккан ул эрлар,  
Душманни бөрарлар тобора қисиб,  
Тазйиқдан Искандар юзида терлар.

Фархурдиза<sup>1</sup> ичра ўрнашган қўшин,  
Тортиб олган элнинг моли ҳам ошин.  
Ҳаддан ошган зўрлик, топталган номус,  
Синаш-чун атай Спитаман бардошин.



Рўдаксоё бўйида Нахшаби боло<sup>2</sup>,  
Душманлар ололмас мустаҳкам қалъа,  
Лек, Ихшид кўнглини чуллаган гулу-  
Искандардан титрар гуё ёш бола.

Ботири бор элнинг кўрқоғи ёмон,  
Ҳокими кўп элнинг тарқоғи ёмон,

---

<sup>1</sup> Қарши яқинидаги ҳозирги Парғуза қишлоғи ўтмишдоши.

<sup>2</sup> Юқори Нахшаб. Милоддан олдинги IX асрда вужудга келган қадимий манзил. Қаршининг ilk ўтмишдоши.

*Бир гилам устида ўтириш авло,  
Урчуқ бошқа бўлса, арқоғи ёмон.*

*Қалъага қамалиб қиларди уруш,  
Хаёлга келмас кучни бирлаштириш.  
Сисимафрда қатъият йўқ, ишоёч йўқ,  
Қийин эди ёвга рўбарў туриш.*

*Давом этса оғир даҳшатли қамал,  
Тоқатлар тоқ бўлар, тугайди тамал,  
Авж олар касаллик, болалар ўлар,  
Сотқинлик аста қила бошлар амал.*

*Онаси қистайди, Сисимафр энди,  
Қуролни ташлаб, ён беришга кўнди,  
Искандарга мутеъ бўлар, юкунар,  
Ёғийга қанча молу дунё унди...*



*Титроққа тушганди жаҳоний ҳукмдор,  
Ўралашиб қолгандан қиларди ор,  
«Ёввойи Осиёга- маданият»-  
Ошқора таҳқирга айлаган шиор.*

*Ваҳшийлашган қўшин иснод омили,  
Бир эмасди ҳукмдор дили ва тили,  
Қиргинга, талонга зўр берди тамом,  
Ривож, тараққиётнинг букилди бели.*

*Шаҳарлар бузилди, қишлоқлар вайрон,  
Қон билан чўлганди Кешк рудда қайрон,  
Юнонлар ўлкага келтирди зулмат,  
Жасур алп Спитаман даргазаб, ҳайрон.*

*Ботирлар ташланди ёвга шер мисол,  
Ёғийлар қирилди ер тишлаб ўсол,*

Камондан отилар ўқлар беомон,  
Ёв тушар қочмоққа—тўқилар масал.

Бир тўда юноний айлаб маслаҳат,  
Юртга қочмоқ бўлиб ичадурлар онт:  
«Искандар деб ўлмоқ арзимас, ҳайҳот,  
Эс борда Оврурога қўяйлик от».

Фитнадан хабардор Искандар йиғлар,  
У буну қутмаган, бағрини тиғлар.  
Ялинар, дўқ қилар, охир кўндирар,  
Хазон бўлган ваъда этилган боғлар.



Машварат қуради, олимлар ёнда,  
«Наҳотки, лошимиз қолар Туронда?»-  
Бетоқат айлайди савол Искандар,-  
«Енгмоқни ўргатинг, қолмай армонда?!»

Аллома касларнинг бўзарган ранги,  
Бошлари қуйи, аниқ ҳангу манги,  
Овруро Осиё оралаб улар,  
Кўрмаган Турондек тўлғама жанги.

Бўлурлар яшиндек пайдо бир зумда,  
Излари йўқолар улуган қумда,  
Гоҳ элик, гоҳ юзта ташланар ёвга,  
Беҳисоб каллалар юмалар думда.

Юнонлар улутвор жанглари кўрган,  
Эронда юз минглаб сипоҳни қирган,  
Тажриба эмасди бу хилда саваш-  
Гуруҳи ихчаму, тезкор от сурган.

Олимлар саволга топмаслар жавоб,  
Ҳукмдор нигоҳига беролмаслар тоб,  
Таниқли саркорлар оғзида талқон,  
Қилмоқ бўлур подшоҳ барини итоб.

Шунда пастдан дуриллаб чиқар овоз,  
Ҳамма сергак тортар: бу қандай шаввоз?  
-Кимсан, галирсангчи, йўқдир эътироз,-  
Дейди ўзин ўнглаб Искандар бироз.

Каттакон дѳвотнинг ёнида шу он,  
Туриб таъзим айлар бир кичкина жон.  
-Маъзур тутинг, фикрим изҳорин фақат,  
Айтадурман ёлғиз қолганда хоқон.

Жуссаси пакана овози баланг,  
Мирзо сўзи бўлди барчасида панд.  
Таажжубин босиб Искандар дарҳол,  
Изн берди унга хос аёнлар монанд.

Аллома, қўмондон бари мосуво,  
Дебон, «қайдан чиқди бундайин доно?»  
Митти Мирзо эса тузган режасин,  
Бу пайт баён қилур эрди пинҳона.

- «Ҳукмдорим, —сўзларди синчалак котиб,-  
Дашт йўлидан чопар олинган тутиб,  
У Сўғда хабар бермоқчийкан бориб,  
Айтишни неча кун тургандим кутиб.

Ниҳоят, хабарнинг мазмунин чақдик,  
Ушлаб ёқа, ҳукмдор, оёқда қалқдик,  
Спитаман ҳарамни фитна уяси,  
Ғалабадан аниқ ногора қоқдик.

Малика отага айтмиш шикоят,  
«Спитаман хулқи,- дер,-бузилган гоят,  
Ёрдамни тўхтатинг, айлангиз банди,  
Бевафода қилич зарби кифоят».

Аёллар макридан Овруро инграр,  
Шарқда ҳам қизини оталар тинглар,  
Ҳужумни нифоққа қаратмоқ даркор,  
Озурда малика не десак, кўнар.



Тақинчоқ, зебу зар юборайлик мўл,  
Муҳими, рағбатга эҳтиёжманг ул,  
Эрини ёмонлаб, яқин бўлинг, сўнг,  
Истанг чўри атанг уни, истанг қул.

Сўз тиғин мақсадга йўланг, қаратинг,  
Овсар маликани авранг, яйратинг,  
Опамоҳ<sup>1</sup> - Спитаман қизин сўратинг,  
Сўнгра голиб бўлиб, довруг таратинг».

Жимит мирзо гапи тушибон маъқул,  
Искандар тўплади фитнагар нуқул.  
Хотинлар бобига устаман каслар,  
Туздилар режа-бовар қилмайдура ақл...



Спитаман аёлин олдилар қўлга,  
Баҳодир ёв қувиб кетганди чўлга.  
Сайхун ортига ҳам жўнади жосус,  
Иттифоқ шакларни салмоқчун йўлга.

Туркий шаклар ила Спитаман қалин,  
Бирлашиб танг қилар юнонлар ҳолин.  
Сатибарзан ҳам Бесс-Ардашир икков,  
Бошдан истар Турон шерин иқболин.

Орага тушди-ку нифоқ ҳам гулу,  
Ҳарамга етишди фитнагар қўли.  
Шаклар Сайхун кечиб келмай қўйдилар,  
Илонга эврулди Спитаман гули.

Бўлина бошлади Турон кучлари,  
Авж олди адоват, пинҳон ўчлари

---

<sup>1</sup> Апама—Спитаман қизи, кейинчалик Салавкийлар салтанатига асос солган Салавк хотини.

Искандар кузатар, мишига кулар,  
Тўсиб қолган ерлик беклар кўчлари.

Бузилган иттифоқ ғалаба эди,  
Нифоқ Турон эрин бир-бирин еди,  
Аввал Сатибарзан шаҳодат топди,  
Сўнг барига навбат кутдирмай етди.

Зомин бўлди эрнинг жонига аёл,  
Водариг-о, олиб қочади хаёл,  
Спитаман бошини кесса хотини...  
Ўтса ҳамки асрлар, ақл ҳайрону лол.



... Искандар чоғири, соқчилар қатор,  
Малика тугунни ўртага отар-  
Сочлари тўзгиган, девона сифат.  
Спитаман калласи афтода ётар.

-Қилолмаган ишинг қилдим, Искандар,  
Сўзлади малика,—поймол номус-ор,  
Шартингни бажардим, сўзингда тургил,  
Олийшаън мақомим айла барқарор?!

Ухларди Спитаман, кўтардим қилич,  
Хуноб этди, вафо сўзи бўлди пуч,  
Бохтар шоҳи қизи гангитди уни,  
Бир серпашда бош узмоққа топдим куч.

Оврупо измингда, қўлингда Эрон,  
Ҳам Бохтар заминга келтирдинг қирон,  
Лек Спитаман эрди йўлингда тўгон,  
Боши пойингдадир, солалмас сўрон.

Ҳукмдорлар ҳукмдори, қудратли хоқон,  
Сени деб мен ортда кўприкни ёққан,

Малика мақомим қилғил сарбаланд,  
Жаҳонарой десин ҳуснимга боққан...

Қотила сўзини Искандар тинглар,  
Музлатар нигоҳдан ич-ичи инграр:  
«Эрини ўлдирди, бунда қалб йўқ, қалб,  
Яқин тутсам албат етади мунглар...»

-Йўқотинг, -буюрар Искандар шошиб,-  
Кўрмадим бундай тубан кўп юрт ошиб,  
Панд бўлсин барчага, эрга хиёнат,  
Лойиқи сазойи,-дер жаҳли тошиб.

Малика сочига ёпишар навкар,  
Сафнинг орасидан аёвсиз суграр,  
Қул яқчирғи асов байтал келтирар,  
Эрнинг қотилини думига боғлар...



Салавк Искандарга эди қариндош,  
Тахт талаб, довьорак, юрағи оташ,  
Опамоҳ-Спитаман қизини кўриб,  
Қолмаганди асло йигитда бардош.

Хос чодирдан қизни қочар ўғирлаб,  
Йўлни оврупога солар тўғирлаб,  
Салавк салтанати машҳурдир кейин,  
Ҳозир қичаб ҳайдар отни яғирлаб...



« Бўл-у, идора қил»- Искандар сўзи,  
Хийлани ишлатди келганда кези,  
Туронда аҳволи танг бўлган чоғда,  
Мақр қилди, ерликлар ер ўзин ўзи.

Нахшабни ер билан айлади яксон,  
Қовушмаган элни енгмоқлик осон,  
Навтоқ ўлкасининг бутун бойлигин,  
Талади ҳам сипоҳга қилди эҳсон.

Юз элик таноблик мустаҳкам қалъа,  
Истеҳком деворлар бўлди дабдала,  
Оташкада, қасрлар чўлғанди ўтга,  
Одамлар кўзидан қон оқди жола.

Нахшаб эди вилоятнинг кўргони,  
Аждодларнинг неча тиклаб қургани,  
Искандар келганда кўкрагин кериб,  
Сўғ-у Самарқандга қолқон тургани.

Вайрон бўлди шаҳар, нуфус қирилди,  
Яшнаган чоғида тақдир эврилди,  
Бирликнинг йўқлиги, хиёнат сабаб,  
Гўзал қасрлар ер юзидан суприлди.



Кечмишди уч юз йигирма саккиз йил,  
Милодгача бўлган тарих эди, бил,  
Искандар босқини ўтмишда қолди,  
Қолди шаҳар ўрнида хароба, кул.



Шаҳарлар ўлади, одамлар яшар,  
Барчасига гувоҳ шу очун, башар,  
Келганлар кетади, босқинлар ўтар,  
Яна тикланади қишлоғу шаҳар.

Шуллик мавзеига кўчади нуфус,  
Кешк Руд қирғоқлари ёйилган, текис.  
Кўргону қалъани тикларлар бунда,  
Янги Нахшаб тезда олар шаҳар тус.



*Кешк руддан топганди Нахшаб тамалин,  
Хунардан олганди Нахшаб камолин.  
Ризқ-рўзи дарёдан эрди элатнинг,  
Ариқлар безамиш замин жамолин.*

*Сувдан нақш, сувдан кўрк олмишди Нахшаб,  
Сув туфайли довруғ тутмишди Нахшаб,  
Дастлаб қишлоқ, сўнгра мозийлар ошиб,  
Шаҳар мақомига етмишди Нахшаб.*

*Икки минг етти юз йил ёши Нахшабнинг,  
Не балолар кўрмади боши Нахшабнинг,  
Косону Қаршининг орасида, қаранг,  
Ётибди вайрона, лоши Нахшабнинг.*



*« Ерқўргон » аталди хароба шаҳар,  
Бир замон гуллаган, дилрабо шаҳар,  
Аждодлар ёдгори, шони, шавкати,  
Эъзозу эҳтиромга раво шаҳар.*

*Муаззам обида, ҳамон салобат,  
Элнинг хотираси яшар саломат,  
Жаҳонга довругин ёяди авлод,  
Насаф, Қарши умри ундан давомат...*

Т А М О М.

2003 йил декабрь-2004 йил июнь.  
Қарши.

## МУНДАРИЖА

1	<b>ЯХШИЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ</b>	
	Довюрак Жек Пан	3
2	Наврӯз (Воқеий ҳикоя)	4
3	Яхшиликнинг қайтиши	5
4	Тўғри йўл	6
5	Йўқолган пул	6
6	Оқкўнгил шоҳ	7
7	Подшо ва гул	8
8	Айиқча ва тулки	9
9	Дўстлар	10
10	Кенжа ўғил	10
11	Содиқ дўст	11
12	Меҳнаткаш қиз	12
13	Қизғанчиқ	13
14	Бўри билан типратикон	13
15	Шаҳзода ва Малика	14
16	Қишлоқ ҳаёти	15
17	<b>ТОЛИҚҚАН НИДОЛАР (Тўртликлар)</b>	16
18	Ғазаллар	65
19	<b>НАХШАБ ҚИССАСИ</b>	79

Адабий нашр

Темурбек Поёнов,  
Поён Равшанов

## Нахшаб қиссаси

Муҳаррир:  
Техник муҳаррир:

Т.Тиллаев  
М. Раҳматов

Теришга 10.06.2004 йилда берилди. Босишга 13.07.2004  
йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет усулида  
чоп этилди. Шартли босма табағи 6,2 Шартли кр.отт. 6,1.  
600 нусхада. Эркин нарҳда.

Қарши шаҳри «Насаф» нашриёти. 730018 Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қарши Давлат университети кичик босмахонасида  
босилди. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.

